Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 14 декабрь, Шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 95 (6792)

Даъват

Киши бошига на иш тушарин билмағусидур, фазл ва ҳунар ишга ярағусидур.

Кайковус.

Ибрат

«Олтин мерос» халқаро жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими Термиз давлат университетининг ўқиш ва жамоат ишларида фаол қатнашаётган икки нафар талабасига қўшимча стипендия ва уч нафар талабасига совринли ўрин жорий этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари)нинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:

бир нафар болали оилаларга — 50 фоиз;
икки нафар болали оилаларга — 100 фоиз;
уч нафар болали оилаларга — 140 фоиз;
тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга — 175 фоиз.

Болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилинсин, уларнинг маблағлари болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлансин.

Шу мақсадда:

Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки 1996 йилнинг 31 декабрига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисоб варақлари (илова ҳисоб варақлари)ни очсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилги бюджетни белгилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тўлаш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан болали оилаларга ҳар томонлама қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиб, унда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ўрнатилишини кўзда тутсин.

6. Оммавий ахборот воситалари болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини фаол суратда олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни кенг кўламда хабардор қилиб турсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сон Фармони 1997 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 декабрь.

Уйғунлик.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» фармони чиқди. Унга мувофиқ корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси таркиби тасдиқланди.

* * *

● 11 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш республика штабининг йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

● Шу куни республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ходимларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика тиббиёт муассасалари, олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этишди.

* * *

● Мадрид шаҳрида жойлашган Бутунжаҳон Бизнес, ташаббус (BI) қўмитаси Тошкент трактор заводи давлат акционерлик жамиятининг рамзий сифат нишони билан тақдирлади.

* * *

● Афғонистондаги толиблар билан мажбуран бўлган учрашувдан сўнг Тожикистон мухолифатчилари раҳбари Абдулло Нурий Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашиб, мамлакатда ўт очишни тўхтатишга келишиб олинди.

* * *

● 1997 йил 8-9 июлда бўлиши мўлжалланаётган Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмаси (НАТО)нинг навбатдаги сессиясида унга янги аъзо давлатлар қабул қилиш масаласи узил-кесил ҳал қилинмоқчи.

* * *

● Шарқий Қуддус Фаластин давлатининг маркази бўлиши эҳтимоли борлиги боис, Фаластин раҳбари Ясир Арофат бу ерда исроилликлар учун турар жойлар қуришга қарши чиқмоқда.

* * *

● Келгуси йилнинг бошида Ашгабадда Афғонистондаги тангликлар муҳокама этиладиган халқаро анжуман бўлиши кутилмоқда.

ЭҲТИРОМ

Илм масканларида буюк бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган тантаналар давом этяпти. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари, туман мактаблари кутубхоначилари ва ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Соҳибқироннинг ибратли ҳаёти ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти, халқимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлар, мактаб-оила-маҳалла мавзуларида атрофлича сўз юритдилар.

Тадбир сўнгида таълим рус тилида олиб бориладиган 9-синф ўқувчилари чиқишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Хуллас, ушбу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Барно ИСОҚОВА.

Тадбиркорликка кенг йўл!

АНА БИЗНЕСУ, МАНА БИЗНЕС!

«Берсанг ейман, бермасанг уламан» дейдиган боқимандалик замонлари ортда қолди. Истиқлол бизни яшашга, меҳнат қилишга, ниманидир яратишга ўргатиб бораётир.

Китоб тумани бизнес мактаби жамоаси ҳам ҳозирги иқтисодий етишмовчиликлар даврини четлаб ўтиш ниятида анча-мунча тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан иш юритаётир.

Улар кейинги бир йил ичида ўз уқув ҳунар масканларида радио ва телевизор тузатиш устахонаси, сартарошхона, темирчилик ва гиламчилик цехларини очиб, маҳаллий халқнинг оғирини енгил қилдилар. Энг муҳими, фойда ҳам чакки эмас. Дастлабки натижаларданоқ «Томчилардан уммонлар ҳосил қилиш мумкинлиги» кўриниб турибди.

Қўшимча «фойдали соҳа»лар янада кенгайтирилди. 8 гектарлик сувли майдонга ҳосилдор буғдой нави экилди. Олинган даромадлардан бир йўла 40 уя асал замбир олинди. «Омад ҳам қўша-қўша келади» деганлари ҳақ гап экан. Бир йил ичида ҳам асал олинди, ҳам асалари уялари сони 80 тага етказилди. Мана сизга «жарақ-жарақ» бели синмаган пуллар!

Ёш «бизнес»чилар яна қараб туришмади. Улар яқинда яна 2 та тармоқ кашф этишди, яъни лимонзор ва машиналарни тузатиш устахонасини бунёд этишди.

Энди Китобнинг бизнес мактаби аъзоларини бемалол ишбилармонлар деб атаса бўлаверади.

Абдували ОБИДДИНОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Ҳадис илмининг султони Исмоил ал-Бухорийнинг беназир мероси барчага маълум. Унинг ноёб фазилатлари тўғрисида эса 3-бетда ўқийсиз

Халқ таълими бўлимларида

БЕҒАРАЗ ТАНҚИД КЕРАК

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани халқ таълими бўлими мудири Холмўмин Норматов билан суҳбат.

— Холмўмин ака, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш борасида туман ҳокимлиги амалга ошираётган ишлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Туманимиз ҳокимлиги «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бажариш юзасидан мукаммал ишлаб чиқилган ўз режасига эга. Шунинг учун туманимизда халқ таълими соҳасига алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, иқтисодий тақчилликлар даврида ҳокимлигимиз таълим соҳасида меҳнат қилаётган мураббийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ишлаш, яшаш шароитларини янада яхшилаш бўйича бир қатор қарор ва фармойишлар қабул қилди. Ана шу ҳужжатларга кўра ҳар бир мактаб-боғчага ҳомий ташкилотлар бириктирилди. Бугунги кунда Шўрчидаги 53 та мактаб ва 17та давлат тасарруфидаги болалар боғчалари ўз ҳомий ташкилотларига эга.

Мактаб ва боғчалар қурилиши, уларнинг моддий базасини бойитиб бориш ҳам ҳокимлик назоратидадир. Ўтган 1995 йилда туманда 844 ўринли мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, бу йил «Далварзин» жамоа хўжалигида 340 ўринли, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида 840 ўринли, «Толли» жамоа хўжалигида 422 ўринли, жами 1242 ўринли мактаб бинолари қурилмоқда.

Мактабларимизга жамоа хўжаликларидан 2 гектардан суғориладиган ҳосилдор ер майдони ажратиб берилди. Жамоа хўжаликларининг раҳбарлари ўз жамоалари ҳудудидаги барча мактабларнинг бош директори деб эълон қилинди. Улар зиммасига ўз мактабларига ҳомийлик қилиш, мактаб ерларини хўжалик ҳисобидан ҳайдаб бериш, уруғлик ва минерал ўғитлар билан таъминлаш вазифалари юклатилди.

Буларнинг барчаси туман ҳокимлигининг халқ таълимига кўрсатаётган ёрдамларидир.

— Мактаблар жамоаси ўзларига ажратиб берилган ерлардан унумли фойдаланяптиларми?

— Айтиш мумкинки, кўпчилик мактаблар ажратиб берилган ердан унумли фойдаланмоқда. Мана, биргина мисол. М. Турсунов номидаги

(Давоми 3- бетда)

САЁҲАТЧИ МУАЛЛИМ

Швециялик ўқитувчи Эрик Ройтерсворд 1991 йили Мурманскдан пиёда йўлга чиқиб, Болтиқбўйини айланиб ўтди, ёз тугагач эса ўқувчилари ёнига қайтди. Кейинги йили Даниятга, янаги гал Испаниятача сайр қилиб, ниҳоят бу йил кузда Осиё ва Европа чегараси шу ерда, деган тўлиқ ишонч билан ўз саёҳатини Сочида якунлади. Натижалар Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилди, сабр-тоқатга қойил қолса арзийди-да!

ИНТЕРНЕТ INTERNET

ФЕЪЛГА ЯРАША

Даниялик психолог олим Йорк Берман доимий иш жойи бўлган ва сурункали касаллик билан оғримаган 374 кишининг соғлигини муттасил ўрганиб, ажойиб натижаларга эришди. Асабийлик, жиззакилик, кекчилик одам иммунинитетига салбий таъсир этиб, вирусли касалликларга мойилликни оширар экан. Олим даъвони аввало феъл-атворга қараб белгилаш керак, деб маслаҳат бермоқда.

КАШФИЁТГА МУНОСИБ

1969 йили дунёда биринчи марта асримизнинг энг катта ютуғи — микропроцессор тузилган эди.

18 минг лампадан иборат улкан компьютер ўрнини босолган тирноқдеккина микропроцессорни ишлаб чиқарган Интел корпорациясининг уч инженерлари — Теде Хоффе, Федерико Фэжине ва Стэн Мэйзореннинг исмлари АҚШнинг Кашфиётчилар шон-шарафи миллий залининг рўйхатига ёзиб қўйилди.

21-АСР ЕЛКАНЛИ КЕМАСИ

Даниялик олимлар томонидан ишлаб чиқилмоқда. Узунлиги 200 метрли кема 6 та мачтага ўрнатилган улкан қўйма елканлар ёрдамида 50 минг тонна юк таший олади. Экологик жиҳатдан мақбул бўлган бундай кема, олим Йоран Вилке режасига кўра, тўфон юз бергудай бўлса, махсус двигателлар орқали замонавий тезликда суза олиши керак.

ШУБҲАЛИ «ТАДҚИҚОТЧИЛАР»

Кутилмаганда италиялик археологлар Черветери шаҳри яқинидан эрамиздан аввалги 7-асрга оид Этруск маданиятининг туққизта яхши сақланган қабрларини ўрганишга муяссар бўлдилар. Олимлар полициядан қўрқибми ишини ташлаб қочган номаълум кишиларнинг қазишмаларини охирига етказдилар. Қабрлардан кўплаб хўжалик буюмлари, қуроллар ва олтин безаклар қазиб олинди.

Мададталаб мактублар

КАШФИЁТ! КАШФИЁТ? КАШФИЁТ...

2500 йилдан бери не-не олимларнинг бошини қотириб келган математик жумбоқни бир оддий қишлоқ ўқитувчиси ҳал қилибди.

Наҳотки?! Тўғриоғи, биз ҳам бунга унчалик ишонмадик. Бироқ, таҳририятимизга йўлланган мактубда қандайдир умид учқунлари «милт»иллаб турибди. Мактубда битилишича, муаллиф ўз кашфиётини керакли мутасаддди идораларнинг тасдиғидан ўтказиш учун ҳужжат тайёрлаётган экан. Яхшиси, мана, унинг таҳририятимизга йўллаган мактубини ўқиб чиқинг-а...

«Мен Даврон Раҳмонов, оддий ўқитувчиман, 1978 йили Самарқанд давлат университетининг физика факультетини битириб, шу йили қишлоғимиздаги мактабда иш бошладим. Буш вақтларимда фан тарихи, физика ва математика соҳаларидаги у ёки бу ҳал этилмаган муаммолар билан шуғулланаман. Математика тарихида ҳал қилинмаган қадимги машҳур учта муаммо мавжуддир. Бу муаммолар: 1. Бурчак трисекцияси. 2. Кубни иккилантириш. Бунга Ферманинг буюк теоремаси деб ҳам аталади. 3. Доира квадратураси.

Бу масалаларнинг ҳеч бири циркуль ва чизғич ёрдамида ҳал қилинмайди. Масалаларнинг шартида циркуль ва чизғич ёрдамида кубни иккилантириш, бурчакни тенг учта бўлакка бўлиш ва доирага тенг бўлган квадрат ясашнинг умумий ҳолини топиш талаб қилинади. Масаланинг умумий ечими дейилганда, фақат циркуль ва чизғич ёрдамида, ўлчаш ишлари бажарилмасдан, ҳал қилиниши зарурлиги назарда тутилади. Доира квадратураси муаммосида ҳам, фақат циркуль ва чизғич ёрдамида доирага тенг бўлган квадрат ясаш талаб қилинади. Бу масала бундан тахминан 2500 йил олдинги қадимги ҳинд («Сулвасутралар», «сутралар» — муқаддас суралар ёки оятлар деган маънони билдиради), сўнгра эса грек математикасида учрайди .

(Давоми 2-бетда)

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ТАДБИР БАЙРАМ УЧУН

Тошкент Давлат молия институти қошидаги молия лицейида Узбекистон Республикасининг Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғин ўтказилди. Лицей ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирокида ўтган бу тадбир Ватанимиз Мадҳиясини айтиш билан бошланди. Шундан сўнг лицей директори Т. Аҳмедов йиғилганларни байрам билан табриклаб, Конституция ва таълим-тарбия ҳақида гапирди.

Йиғилиш давомида лицей ўқувчилари дилрабо куй ва қўшиқлари билан кечанинг файзли ўтишига ўз улушларини қўшдилар.

АЛПОМИШЛАР ҲАЛИ БАРДАВОМ

Уғлинг бўлса полвон бўлсин, дейди кексалар. Ботир Хўжаев ҳам ёшлигидан худди шундай дуо олган йигитлардан. Бухоро давлат университети педагогик ўқув маркази жисмоний маданият бўлими III босқич толиби Ботиржон яқинда самбо бўйича Японияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлиб қайтди.

МУАЛЛИМАНИ ЭСЛАБ...

Каттақўрғон туманидаги 93-мактабда, ушбу илм маскани асосчиси, мактаб пойдеворига илк ғиштни қадаган Норхол Шодиева хотирасига атаб махсус стипендия таъсис этилди.

Зиё масканининг энг иқтидорли, аълочи ўқувчиларига ҳар ҳафтада 50 сум миқдорида Норхол Шодиева номидаги стипендия тўланмоқда.

BAHSLI KECHA

JIZZAX tumanidagi Bobodil Hoshimov nomli 35-o'rta maktabda «O'ila, izla, top» deb nomlangan dostlik bellashuvi bo'ldi.

Bu bellashuvda IX sinfning «Turon» hamda VIII sinfning «Istiqlol» komandasi o'zaro kuch sinashdilar. Bellashuvda o'zlarining bilimdonligi, hozirjavobligi bilan VIII sinfning «Istiqlol» komandasi q'olib chiqishdi.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

Bellashuv so'ngida q'olib komanda kasaba uyushmasi tomonidan sovqalar bilan taqdirlandi.

ТАҲРИРИЯТДАН: Давр янгиликлари кишиларимизни изланишга чорламоқда. Шу боисдан бўлса керак, хабарларимизни лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида бераётганлигимизнинг натижаси ўлароқ, таҳририятимизга лотин ёзувидаги илк хабар келди .

Уни бизга жиззахлик ўқитувчи Гулбаҳор Қаршибоева йўллаган.

Муаллифлар: А. ХАЛИЛОВ, Д. ЖАББОР, С. НУРМУҲАМЕДОВА, Gulbahor QARSHIBOYEVA.

КАШФИЁТ! КАШФИЁТ? КАШФИЁТ...

Боши 1- бетда

Милоддан аввалги 5 асрда грек олимлари циркуль ва чизғич ёрдамида берилган доирага тенг булган квадрат ясаш масаласи билан шуғулланишган. Улар циркуль ва чизғич ёрдамида эгри чизиқли шаклларга тенг бўлган тўғри чизиқли шаклларни ясай олганлар. Масалан, Гиппократ ойчалари. Гиппократ иккита айлана ёйлари билан ҳамда тўғри чизиқлар билан чегараланган ясси (текис) фигуралар — ойчаларнинг юзасини топиш масаласи билан шуғулланган.

Юзалари уларнинг диаметрлари орқали рационал ифодаланувчи, шундай ойчаларнинг юзаларини топиш масаласи, грек математикасининг марказий масаласи — доира квадратурасига бориб тақалади.

Гиппократ Хиосский (эрамиздан олдинги V асрда яшаган) доира квадратураси масаласини назарий жиҳатдан мавжуд, лекин амалий жиҳатдан бажариб бўлмайди, деб ҳисобланган.

Шундай қилиб, қадимги грек олимларининг циркуль ва чизғич ёрдамида доира квадратураси масаласини ҳал қилиш йўлидаги уринишлари беҳуда кетган. Шотланд математиги Жеймс Грегори ҳам доира квадратураси масаласини циркуль ва чизғич ёрдамида ҳал қилиб бўлмаслигини исботлашга уринган кўради, лекин бирор натижа ололмайди. Буюк француз математиги Эварист Галуа (1811-1832), группалар назарияси, алгебраик тенгламаларни ечишнинг умумий назариясини яратиши билан бир қаторда, бурчак трисекцияси, кубни иккилантириш ва 1831 йилнинг 31 мартида Франция Фанлар академиясининг президентига ёзган хатида, доира квадратураси масаласининг ечимлари устида ишлаётганлигини эслатиб ўтади.

Бу муаммоларнинг аҳамияти шундан иборатки, уларни чекли сондаги тўғри чизиқлар ва айланалар ясаш ёрдамида, геометрик аниқ ясаб бўлмайди. Буларни фақат тахминан ясаш мумкин, натижада бу муаммолар математиканинг янги соҳаларига кириб бориш воситаларига айланишди. Шу муаммолар муносабати билан конус кесимлари, баъзи бир учинчи ва тўртинчи даражали эгри чизиқлар ҳамда квадратрисса деб номланган трансцендент эгри чизиқлар кашф этилди.

Қадимги грек математикларидан Диностpат эрамиздан олдинги IV асрда, доира квадратураси ҳақидаги масалани ечишда квадратриссани ишлатган. Доира квадратураси масаласи

$X^2 = \Pi R^2$

тенгламани ечишга келтирилади, бунда X — изланаётган квадратнинг томони, R эса берилган доиранинг радиуси. Натижада $X = R\sqrt{\Pi}$ кесмани, яъни берилган доира радиуси R ни $\sqrt{\Pi}$ (илдиз остида ПИ) сонига кўпайтиришдан ҳосил бўлган кесмани циркуль ва чизғич ёрдамида ясашга келтирилади. Лекин кесмани циркуль ва чизғич ёрдамида ясаш критерийсига кўра, X кесмани циркуль ва чизғич ёрдамида ясаш мумкин эмас, чунки П (ПИ) сони (ва NП, илдиз остида ПИ ҳам) трансцендент, яъни у бутун коэффициентли ҳеч қандай алгебраик тенгламанинг илдизи бўла олмайди.

ПИ сони — айлана узунлигининг диаметрига нисбатига тенг бўлган сондир. У чексиз ўнли касрдан 3,14159265... иборатдир. Урта осиёлик, самарқандлик олим Ғиёсиддин Жамшид Коший (1530 йилда вафот этган), ПИ сонининг қийматини 17 та ўнли каср хонасини ҳисоблаб топган, грек олими Архимед (эрамиздан олдинги III асрда), хитой математиги Цзу-Чуи-чжи (V асрнинг иккинчи ярмида), голланд математиги Лудольф ван Цейлен (XVII аср бошида) ПИ сонининг қийматини жуда аниқ ҳисоблаб топганлар. XVIII аср охирида, 1761 йили немис математиги И. Ламберт (1728-1777) ва француз математиги А. Лежандр (1752-1833) ПИ сони иррационал сон эканлигини исботлайдилар. Француз математиги Ж. Лиувилль (1809-1882), 1844 йили трансцендент сонларнинг мавжудлигини исботлайди. Шундан сунг К. Вейерштрасснинг (1815-1897) ўқувчиси, немис математиги Ф. Линдеман 1882 йили ПИ сонининг трансцендент сон эканлигини исботлайди.

Циркуль ва чизғич ёрдамида доиранинг квадратураси тўғрисидаги масалани ечиш мумкин эмаслигини узил-кесил ҳал қилади . Шунга қарамасдан бу муаммони замонавий математика воситалари ёрдамида ҳал қилишга умид қилинган эди. Лекин бу уринишларда ҳам масала ҳал этилмаган. Кейинги 2000 йилдан буён кўпгина ажойиб математикларнинг куч ва ғайрати бу масаланинг ечилмаслигини исботлашга қаратилган бўлиб, ҳалигача бирор натижага эришмаганлар. Шундан сўнг математиклар бу масалалар ҳеч қачон ечилмайди, деган хулосага келганлар .

Мен 1985 йилнинг март ойидан бошлаб назарий тадқиқотлар олиб бордим ва 1990 йилда умумий ечимларни аниқладим ва амалий равишда бир нечта вариантларда ҳал қилдим. Кейинги вариантларда эса айрим ўқувчиларим ҳам қатнашмоқда.

Бундан ташқари масаланинг тескариси «Квадратнинг циркулятураси» дейилади. Бу масаланинг ҳам умумий ечимларини аниқладим. Шундай қилиб, шу иккита муаммо буйича 10-12 та вариант ишлаб чиқилди. Охирги вариантларнинг бирида ажойиб бир хосса (универсал боғланиш) намоён бўлади. Бу хосса соддагина теорема орқали ифодаланиши мумкин экан. Бу масаланинг ўрганилиши жараёнида ҳар бир вариантда оз-оздан янги натижалар олина борди ва аста-секинлик билан муҳим натижаларга эришилди. Универсал боғланишни ўрганиш давомида учта константа, узгармас доимийлик аниқланди. Бўш вақтларда физика ва математикага қизиқувчи баъзи ўқувчиларим билан консультациялар ва ижодий изланишлар олиб бораяпман.

Бироқ, минг афсуски, республикамизда нуфузли илмий нашр ҳисобланган «Фан ва турмуш» журнали, шунингдек, эски Иттифоқ давридаги (ҳозир ҳам бор) «Квант» журнали мен юборган ахборотларни чиқаришмади ва авторлик буюртмаларини расмийлаштирмади. Натижада илмий кашфиётда биринчилик ҳуқуқи (приоритети), қолаверса илмий кашфиётларнинг ўзи ҳуқуқий ҳимояга олиниши зарур бўлиб қолди. Узбекистон Фанлар академиясининг Президентига телеграмма (30.10.85 й.) юбордим.Бу телеграммага «Фан ва турмуш» журналининг редакцияси жавоб йўллабди. Бироқ, менинг фикримча, лоқайдларча ёзилган.

Ҳурматли «Маърифат» газетаси таҳририяти! Сизларга жамики оворагарчиликларим гувоҳи сифатида журнал ва бошқа баъзи бир ташкилотлар билан ёзишмаларимнинг нусхасини юбораяпман. Хуллас, эндиги умид «Маърифат»дан.»

Мана, ҳам қизиқарли, ҳам ажабланарли мактуб билан танишдингиз. Хўш, республикамизнинг илмий жамоатчилиги бунга қандай қарайди? Ўйлаймизки, бу оддий ўқитувчининг, туғрироғи, илм фидойисининг кўнгил битиклари олимларимизни, профессор-ўқитувчиларимизни бефарқ қолдирмайди. Фикрларингизни кутамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганамиз

«ЭР»ми, «РЕ»ми?

Республикамизда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ва имлоси буйича саводхонликни қисқа вақт ичида жадал амалга оширишга киришилмоқда. Турли хил дарслик ва дастурлар, кургазмали қуроллар ва жадваллар яратиляпти. Бироқ буларнинг аксариятида янги ўзбек миллий ёзувидаги ҳарфларнинг номланиши (талаффузи эмас) диққатимизни жалб этади.

Узбек миллий ёзуви 1940 йилнинг 8 майидан эътиборан кирил графикаси асосидаги ўзбек алифбосидан фойдаланмоқда. Бу алифбода ҳарфлар қандай номланган бўлса, ўзбек алифбосида ҳам ўшандай номлаб келинди. Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида ҳам яна ўша «касаллик» давом этмоқда. Хусусан, янги алифбода ҳам «К»ни «ка», «Х»ни «ха», «Q»ни «қа» ва ҳоказо деб номланган.

Янги дарс мавзуси «Rr»га келганда, «Бугун биз «эр»ни ўтамиз!» дейилгани маъқулми? Ахир ўзбек тилида «эр», бу сўзку. Лугавий бирлик сифатида сўнгги 1995 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган «Узбек тилининг имло лугати»да ҳам «ег» (эр), «el» (эл), «Em» (эм), «en» (эн)лар алоҳида сўз тарзида келтирилган. Ҳақиқатда ҳам узбек тилида «эр» сўз бўлиб, рус тилидаги «муж», «супруг», «эс» — «память», «эл» — «народ», «страна», «эм» — «прививка оспы, оспопрививание» ёки «эммоқ» феълининг иккинчи шахс буйруқ майли, «эн» — «ширина» маъноларини ифодалайди. Булар ўзбек тилида ҳарф номи бўлмай, махсус лугавий бирлик, яъни сўздир.

Рус тилининг рус алифбосида, шунингдек, аслида лотин тилининг лотин алифбосида «Rr»ни «эр» деса, бизлар ҳам худди шундай бўлиши керак, дейишимиз тўғримикан?

Бизнингча, янги ўзбек алифбосида асос эътибори жиҳатдан арабми, русми, лотинми, қатъи назар, ўзбек миллий товушларимизни ифодалаш учун ҳарфни олганмиз, холос. Биз ўзбеклар ҳарфга номни ўзбекча беришимиз, яъни «Rr»ни «эр» деб эмас, балки «ре» (р) деб номланиши мақсадга мувофиқдир.

Нима учун рус тилида, рус тилшунослигида ғарб тилларидан ўзлашган сўзлар рус тилининг қонун-қоидаларига мослаштирилиб-мувофиқлаштирилади-ю ўзбек тилида мумкин эмас? Мустақиллик шарофати туфайли янги ўзбек миллий алифбомизда ҳам ҳарфларнинг номини она тилимиз талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб аташимиз зарур.

Янги ўзбек алифбоси ва имлоси буйича қисқа вақт ичида тезда савод чиқариб улгуришимиз учун ўқиш-ўқитиш, урганишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишимиз ва улардан унумли фойдаланишимиз айни муддаодир.

Суннатулла РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.
Суратларда: бир неча ҳарфларнинг номланиши, босмадаги шакли ва ёзма ёзилганда уларни тўғри туташтириш кўрсатилган.

Саховат

«БОЛАЛАР ХУРСАНД БЎЛИШСА БАС»

Мавлудахон Норинова оталиқ ташкилоти — Чортоқ туман сув хўжалиги бошқармасига келиб, мактабларида стадион, ҳаттоки спорт майдончаси ҳам бўлмаганлиги сабабли ўқувчиларнинг дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун имконият йўқлиги ҳақида куйиниб айтиб берди.

Мактаб ёнидаги адирлар қаровсиз ҳолда ётгани, ундан ҳеч ким фойдаланмаётганини сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Неъматжон Нурматов билар эди. Ўша куни Неъматжон Мавлудахон билан бирга Бештол қишлоғига келди. Йўл-йўлакай Бобур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдубанно Зокировни ҳам таклиф қилишди.

— Адирни текислаб, мактабга стадион қилиб бермоқчимисан? — Суз қотди Неъматжон. — Бу, албатта, осонликча бўлмайди...

— Мен шуни айтмоқчи эдим, — жавоб берди Абдубанно, — бульдозер билан камида бир ой текислаш керак. Бизда эса бульдозер йўқ.

— Бульдозерни биз берамиз, — деди Неъматжон. — Иш кўп. Лекин, майли, бажарамиз. Болалар хурсанд бўлишса бас... Фақат ҳокимиятдан рухсат олишимиз керак.

Эртасига Неъматжон бу ерга туман ҳокими ўринбосари Исмоилжон Муродовни бошлаб келди. Ўринбосар яхши ташаббусни пайқади ва рози бўлди. Адирни текислаш ишлари бошланиб кетди. Роса икки ой деганда стадион битди. Очилиш маросимида футбол буйича мусобақа бўлиб ўтди. Неъматжон Нурматов мусобақани охиригача томоша қилди ва ғолибларга ўз совғаларини топширди. Айниқса Қувончбек Ҳасановнинг тезкор ҳужумлари, Дилшодбек Исабековнинг аниқ тўп узатишлари, Нуриддин Тошбоевнинг ҳимояда ишонч билан ўйнаши унга завқ бағишлади. Уларга ҳам алоҳида соврин топширилди.

Стадионнинг очилиш тантанасига келган меҳмонларнинг 27-ўрта мактаб жамоасига ҳаваслари келди.

... Яқинда Неъматжон Нурматов яна мактабга келди. Бу сафар у мактаб биносини таъмирлаш учун оҳак ва 100 килограмм буёқ олиб келди.

— Оталиқ ташкилоти — сув хўжалиги бошқармасидан чексиз минатдормиз, — дейди мактаб директори, Узбекистон халқ ўқитувчиси Мавлудахон Норинова. — Улар бизга таъмирлаш, қурилиш ишларида ёрдам берибгина қолмай, кўпгина тадбирларимизда ҳам иштирок этишади...

«БИРНИ БЕРГАН МИНГНИ ОЛАДИ»

Қурбон ҳайити арафасида эрталаб мактаб ҳовлисига Неъматжон Юсуфбеков бузоқ етаклаб келганини кўрган ўқитувчилар ҳайрон бўлиб қолишди. «Яна нима ўйлаб топди экан, бу тиниб-тинчимас одам?» — ўйлашди улар. Неъматжон тўғри ўқувчилар саф тортган жойга борди-да, навбатчи ўқитувчидан сўз сўради.

— Ҳурматли устозлар, азиз ўқувчилар, — деди у, — мени мана шу 27-ўрта мактабда ўқиганимни, ҳозир эса фермер бўлганимни биласиз. Жамоа хўжалигидан фермани сотиб олганимда 300 бош қорамол бор эди. Уларнинг сони ҳозир 360 бошга етди. Шу билан бирга фермада 45 кишини иш билан таъминлаганмиз. Ишчиларга маошларини вақтида бериб турибмиз. Мен сизларнинг ҳам фермер бўлишингизни истайман. Бугун — арафа куни ҳаммангизни ҳайит билан кутлаб, мактабга ана шу зотдор бузоқни совға қиламан.

Неъматжон ҳали гапини тугатмаган ҳам эдики, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳаяжон билан қарсак чалиб юборишди. У бузоқни мактаб директори Мавлудахон Нориновага топширди-да, сўзини давом эттирди:

— Азиз болалар, айём муносабати билан баъзи ўқувчиларга ҳам совға олиб келган эдим. Рухсатингиз билан уларни эгаларига топшириб қўйсам.

Ўша куни 38 нафар ўқувчи Неъматжон Юсуфбековдан турли хил совғалар олишди. Баъзиларга кўйлак, бошқаларига шим ёки туфли тегди.

— Биз Юсуфбековдан ҳамиша миннатдормиз,— дейди ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Тиллахон Януева, — у қишлоғимиз болалари учун кўп савоб ишларни қилмоқда.

Тиллахоннинг сўзини бошка касбдошлари ҳам таъкидлашди.

— Неъматжон мактабга ҳам кўп келади, — дейди ўқитувчи Сорахон опа Тошбоева, — ҳар келганда қуруқ келмайди. Ўқитувчи ёки ўқувчиларга қандайдир совғалар олиб келади. Битта ўқитувчига шахсий нафақа, 10 дан ортиқ ўқувчига стипендия ташкил қилган. Бирни берсанг, мингни оласан, дейишади. Илоё, Неъматжоннинг топганига худо барака берсин.

Юқорида икки Неъматжоннинг Чортоқ туман Бештол қишлоғидаги 27-ўрта мактабга бераётган ёрдамлари ҳақида қисқача ҳикоя қилдик. Мақсадимиз шуки, юртимизда уларга ўхшаш саховатли кишилар янада кўпаяверсин.

Ўрмонжон МЎМИНОВ,
Чортоқ туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.

1996 йил — Амир Темур йили

ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИР ИМКОНИЯТИ

Узбекистонимиз мустақил давлат бўлган айни дориломон бир замонда давлатчиликдаги тарбиявий таъсирларнинг кучайиб бориши ва мазмундорлигининг ошишини етакчи ўринга олиб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Тарбиявий таъсирларнинг мукаммал ўрин топиб боришидаги асосий иккли хусусият — адолат ва инсонпарварликдан иборат десак хато бўлмайди. Айнан адолат ва инсонпарварликнинг давлатчиликдаги куч-қудратидан Амир Темур ҳам ўзининг сиёсат ишларида кенг фойдаланганлиги тарихдан яхши маълум.

Хусусан, «Темур тузуклари» ҳам улуғ ҳукмдор фаолиятининг ана шу ёрқин қирраларидан гувоҳлик бериб турибди. Шундан бўлса керакки, Амир Темур давридаги тарбиявий таъсирларнинг амалий аҳамияти кучли бўлган.

Хуллас, қандай давр бўлишидан қатъи назар, давлат сиёсатида инсонпарварлик ва адолат ғояси бўлса, тарбиявий таъсирлар анча кенгаяди, ўқув-тарбиявий жараён ҳудуд шароитига мос ҳолда ҳамма табақаларда ривож топа боради.

Шундагина давлат сиёсатидаги тарбиявий таъсирлар мукаммаллаша бормоғи учун Президентимиз айтган «тарихий имконият» хулосаси авлодларда эътиқодни таркиб топтиришни тўғри йўлга қўйишни талаб этади. Бунинг учун тарихда ўз ўрнига, маънавий куч-қудратга эга бўлган шахсларимиз, арбобларимиз руҳини авлодлар руҳига сингдириш зарур. Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби авлодларимиз фаолиятини шахснинг ёш хусусиятларига ва фан асосларининг талаб, қонун-қоидаларига асосан таълим жараёнига олиб киришни тезлаштириш керак. Шунингдек, тарихий шахсларга оид ривоят ва тўқималарни, ҳақиқатларни шахслар ёш хусусиятларига, қолаверса, Ватан келажагини ўйловчи ҳар бир шахсларга мослаштириб аниқ ва ижтимоий фанларни ўқитишда фойдаланиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунига киритиш ҳам авлодлар руҳиятини, шижоатини тиклашга катта таъсир этади.

Сир эмас, ҳар қандай давлатчиликни юзага келтиришда шахснинг ўрни бўлади. Шундай экан, Соҳибқирон Амир Темурни авлодларга сиёсий давлат арбоби сифатида ўргатишни мукаммаллаштириш керак бўлмоқда. Амир Темурнинг давлат бошлиғи сифатида шеъриятга, мусиқага ёки бошқа шахслар фаолиятига таъсири қандай бўлганлигига ойдинлик киритиш лозим. Чунки давлат сиёсати тўғри, инсонпарварлик ва адолат ҳукмронлиги асосида ташкил этилса, ҳар қандай жамиятда ҳар бир соҳа ўз ўрнида ривож топади. Шунинг учун Соҳибқирон Амир Темур шахсини миллий давлатчилигимизни тузувчи тарихий шахс сифатидаги фаолиятини алоҳида ажратиб ёритиш ва авлодлар онгига шу жиҳатни сингдириш зарур.

Миллий маънавий қадриятларимиз, маданиятимиз ва фанларнинг ривожида ўрни бўлган аждодларимиз ҳаётини ўрганишни тўғри йўлга қўйиш вақти етиб келди. Кечикмаслик шарт. Кундалик матбуотларда ва яратилаётган асарларда етук тарихий шахслар ёки ҳар бир шахснинг алоҳида ўқиб ўрганишини ўйлаб ёзиш муҳим кучга, аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга ёзилган манбалардан дарс, дарсдан ташқари вақтларда фойдаланиш учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам кун тартибида турган муаммолардан бири. Ушбу ишларни амалга ошириш, албатта, педагогларга катта масъулият юклайди. Тарихчи ва бошқа ижтимоий фан ўқитувчиларига ҳам ҳаётий ишларга амалий ёрдам берадиган тарзда тадқиқот олиб бориш вазифасини юклайди. Тадқиқотларда тарихий шахслар алоҳида эътиборга олинса уринли бўлади.

Тарихий ёдгорликлар, мақбараларни муқаддас жойлар сифатида онгга сингдириш ва ўша қадамжоларга нисбатан меҳр-оқибат уйғотиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Темур салтанатида тарбия топган невараси ажойиб истеъдоди билан ер юзидаги ҳамма астроном олимларни ҳайратга солган. Мирзо Улуғбекнинг авлодларга ўргатишни физика-математика, астрономия фанларини ўқитиш қонун-қоидалари ва талабларига асосан тезлаштириш юзасидан услубий, илмий тадқиқотларни бошлаш ва бу хусусда аниқ илмий тавсиялар яратиш ҳам қимматли аҳамиятга, таъсирга эга.

Темурийлар авлодидан бўлган Бобур Мирзони адабиёт, санъат ва дўстликни улуғловчи идеал шахс рамзи сифатида кўрсатишни ўқувтарбия жараёнида аниқлаштириш зарур.

Агар ҳозирги авлодлар шундай тарбиявий таъсирлар асосида мазмунли, мақсадли, охироқибатли бўлиб вояга етсагина ҳозирги замон ўқув-тарбиявий жараён таъсирида иккиланиш руй бермайди. Инсонпарвар, адолатли, демократик мустақил республикамизнинг ўзига хос тараққиёт йўлини танлаганига ишонч ҳосил қилади. Тарбиявий таъсир имконияти янада кенгая боради. Ҳозирги авлодлар ғурури янада ўтган тарихий буюк авлодларимиз куч-қудрати, руҳи асосида мустаҳкамланади. Шунда ҳамма ёзилган тарихий манбаларнинг ўқитилишига эътибор кучаяди. Холбуки, авлодлар ўртасидаги таълим жараёнида тарбиянинг имкониятлари кенгайсагина, амалий-тарбиявий таъсирлар ўз имкониятларини давлат сиёсати сифатида кенгайтиради. Шунда замон ва дунё ривожида ҳам шахсга нисбатан умумий фикр, ғоялар ўзгариб, инсонпарварлик асосида адолат тиклана боради.

Б. АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори.
Қ. БОЙМИРОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Мактаб раҳбари кутубхонаси

«МАКТАБ БОШҚАРУВИДА ИЧКИ НАЗОРАТ»

Бу рисола «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг маҳсулотларидан бири бўлиб, республика халқ таълими вазири, педагогика фанлари доктори Ж. Ғ. Йўлдошев умумий таҳрири билан тайёрланган.

Мактабда ички назорат қандай бўлиши керак? Раҳбариятнинг бошқарувидаги йўналишлари нималардан иборат? Китобчада ана шу саволларга мукаммал жавоб топиш мумкин.

Рисоланинг муаллифлар томонидан ёзилган муқаддимасида «...таълим тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва бошқа ходимларга шуларни талаб даражасида ташкил этишда фойдаланиш учун махсус адабиётлар етарли эмас»лиги таъкидланади.

Китобча ана шу мақсадга хизмат қилса ажаб эмасдир. Муаллифлар Р. Ш. Аҳлиддинов, Ф. Носирова, Р. Ражабоваларнинг илмий-назарий мақолалари раҳбар ходимлар маънавиятини ошириши, шубҳасиз. Унда шунингдек, Узбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисида»ги Низоми ҳам берилган.

Мазкур рисола 10000 нусхада босилган.

ТАДБИРЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Маълумки, Тошкент шаҳридаги 34-ҳунар-техника билим юртида ўқувчиларга ошпазлик, қандолатчилик ва нонвойчилик мутахассисликлари буйича таълим-тарбия берилади. Яқинда билим юрти ўқувчилари ўртасида Узбекистон мадҳиясини ижро этиш буйича кўрик-танлов утказилди. Унда барча ўқувчилар фаол иштирок этдилар. Мадҳияни дилдан куйлашиб, ўз ижролари билан ажралиб турган 57-группа ўқувчилари биринчи ўринни эгалладилар.

— Юқоридаги каби кўнгилочар тадбирларнинг ўткизилиши ўғил-қизларни ҳаётга, билимга қизиқишларини ошириб бормоқда, — дейди биз билан сухбатда билим юртининг ўқув-тарбия ишлари буйича директор ўринбосари Ҳилола Тожиддинова. — Биз бу тадбирларни талабаларнинг ўзлари билан бевосита ҳамкорликда бажарамиз. Улар ҳам бизга ҳамиша «тайёрмиз» деб жавоб беришади. Энг асосийси бу тадбирлар талаба ёшлар дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деб баралла айта оламиз.

Зуҳра ИСЛОМОВА.

Маорифимиз фидойилари

УСТОЗИМ ДЕГАНЛАР МЕНИНГ ШОГИРДИМ

Инсон умри. У азим бир дарёдай оқиб утаверади. Одамзод улгайиб борар экан, уй қуради, дастурхон ёзиб, элга туй беради, фарзандлар кўриб уларнинг камолотини ўйлайди. Болам-чақам деб куюниб, тиричилик ташвишида, фаровон яшаш учун елиб-югуради, баҳоли қудрат мол-дунё йиғади. Бу жараёнларга боғланиб одам яшайверади, умри утаверади. Лекин инсон умрига маъно берадиган, ҳаётига гўзаллик бахш этадиган омиллар — эл хизмати, юрт ташвиши биланяшаб, заҳмат чекишидир. Элу улус ҳурмати — одамзотнинг энг катта бойлиги, бахти. Атрофингдагиларки сени иззатлаб, эҳтиром кўрсатиб турибдими, демак умринг мазмунсиз ўтмаяпти, меҳнатинг бесамар кетмаяпти экан.

Кексайганингда ўтган умрингга афсус чекмаслик бахтига муяссар бўлиш учун мол-дунё эмас, элнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқ лозим. Каттақўрғонлик Сайфулло Ярашев ҳам ўтаётган умридан миннатдор, фарзандлар камолидан хотиржам, элу юртга қилган хизматидан қониқиш ҳосил қилиб яшаётган инсонлардан. У умр буйи роҳатталаб бўлмади, балки заҳмат чекиб илм олди. Қалб кўрини, кўзининг нурини бериб шогирдлар етиштирди. Қобил фарзандларни вояга етказиб, элга қўшди.

Бу инсон ҳозир ҳам ўзини қадрдон мактаби ва маҳалласидан айри тасаввур қилолмайди. Баъзан Тошкентдаги фарзанларининкига келганида азим шаҳарга сиғмайди, 2-3 кун ўтмасдан Каттақўрғонга отланиб қолади.

Мактаб Сайфулло ака учун ўз уйидек азиз маскан. Гарчи пенсияга чиққанига 7 йилдан ошган бўлса-да, у ҳануз ўқувчилар билан бирга. Кўп бўлмаса ҳам озроқ дарс соатлари олиб Каттақўрғон шаҳридаги 37-ўрта мактабда болаларга кимё, биология фанларидан сабоқ бериб келмоқда...

С. Ярашевнинг болалиги 30-йилларнинг очарчилик даврида, ўсмирлиги эса иккинчи жаҳон уруши йилларида ўтди. Ёш Сайфуллони, айтиш мумкинки, турмуш машақатлари ва юпунлиқ улғайтирди. У ситамларни, очлик ва қаҳатчиликни мурғак бошидан кечирар экан, сабот, чидам билан уларни енгиб ўтарди.

«Суяги қотиб қолган» болакай 12 ёшида далага чиқиб аёллар билан тенгма-тенг ишлай бошлайди. 1944 йилда эса 15 ёшли Сайфуллони жамоа хўжалигига аъзо қилиб олишади. У ҳам мактабга қатнаши, ҳам далага чиқиб ишлаши керак эди.

— Машаққатлар иродани чархлар экан, — дея болалигини хотирлайди Сайфулло ака. — Одамзоднинг боши тошдан қаттиқ деганлари ҳақ-рост. Не-не азоб-ўқубатлар кечмади бошимдан. Мени илм қўллади. Илм йўлидан кетиб ҳор бўлмадим.

С. Ярашев урушдан кейинги машаққатли йилларда оч-юпун бўлишига қарамай Самарқанддаги икки йиллик муаллимлар тайёрлаш курсига бориб ўқишга кирди. 1950 йилда уни битириб, Нарпай туманидаги 27-ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб қайтди. Ишлаб туриб Бухородаги педагогика институтида сиртдан таълим олди. Олий маълумотли бўлгач, Каттақўрғонга кўчиб келди. Дастлаб оддий ўқитувчи, директор ўринбосари, сўнгра директор бўлиб ишлади. Шундай қилиб мана қарийб 50 йилдан буён у болалар билан бирга.

Тумандаги ўқитувчилар уни бағри кенг инсон сифатида ҳурмат қилишади. С. Ярашев 1957-1980 йилларда Каттақўрғон туман халқ таълими бўлимида кимё фани буйича секция раҳбари бўлиб, ёш муаллимларга беминнат маслаҳатларини, ёрдамини бериб келган инсон.

Бу фидойи муаллим вилоят ва Республикада ўтган қўплаб педагогик йиғин ва анжуманларда фаол иштирок этган. Масалан, у 1972 йилда Республика педагоглар анжуманида «Кимё фанини ўқитишда ўқувчилар фаоллигини ошириш» мавзусидаги маъруза билан қатнашиб, фахрли 2-ўринни олган эди. Ўшанда унинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилганди.

—Кимё бир қарашда жуда зерикарли фандек туюлади, — дейди Сайфулло ака. — Аслида, ниҳоятда қизиқарли. Бу фанга болаларнинг ҳавасини, иштиёқини ошира олган ўқитувчигина бирор яхши самарага эришиши мумкин. Ҳаётни кимёсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фан-техника жадал ривожланган асримизда халқ хўжалигининг қайси тармоғига назар ташланг, кимё фанининг салмоқли ўрни бор...

Бу камтарин муаллимнинг қарийб ярим асрлик меҳнати зоя кетмабдики, у ўқитган ўқувчилар орасидан бугунги кунда фан докторларидан, мактаб ўқитувчиларигача бўлган кимёгарлар етишиб чиқди. Мен Сайфулло акадан шогирдлари ҳақида сураганимда у айнан кимё соҳасида ишлаётган ва бевосита шу фанга алоқадор бўлган кимёгар, агроном, врач, зоотехник каби кўплаб кишиларнинг исм-шарифларини санаб ўтди.

— Шогирдларимни соҳаси, мансаби ёки унвонига қараб ажратмайман, — дейди у. — уларнинг барчаси мен учун ўз фарзандимдек азиз. Ўқитган ўқувчиларимдан қайсики мени устозим деса, мен уни шогирдим дейман. Худога шукур, улар жуда кўп. Ҳурмат қилишиб туй-маъракаларга айтиб кетишади. Мен туй қилсам ташриф буюришади. «Ишим кўп, йўл узоқ, лавозимим баланд, мансабим катта», деб ўтиришмайди, шунисига ҳурсандман. Сиз, мухбир ука, барибир мақолангизга ўнлаб исм-шарифларни кирита олмайсиз. Шунинг учун шогирдларимнинг бирини ёзиб, бири қолиб кетмасин. Айримлари ҳафа бўлмаслиги учун ҳам сиз уларни ёзиб ўтирманг, илтимос, — дея кулимсираги Сайфулло ака.

Мен бу кулимсираш остида улкан камтарликни кўрдим. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшаб ҳар хил соҳаларда меҳнат қилаётган шогирдлари — унинг ярим асрлик меҳнати маҳсули. Қалб кўри, кўз нурини бахш этган шогирдлари билан бу фидойи муаллим қанчалик фахрланса арзийди. Зеро улар С. Ярашевнинг заҳмати бесамар кетмаганига кафолатдир.

Сайфулло ака 9 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Болаларидан 6 нафари олий маълумотли. Бугунги кунда бу кекса муаллим 26 неварани бобоси, битта чеваси ҳам бор. Маҳаллада эса у — оқсоқол, кексаю- ёшга маслаҳатгўй.

Мана шундай қилиб, умр ўтиб бораяпти. Каттақўрғондан қайтишимда менга унинг маҳалладошлари шундай дейишди:

Сайфулло акани билган, таниган одамлар унинг камтарлигини, иноқ оиласини ўзларига ибрат қилиб олишади. Одамзод учун эса бу — катта бахт.

Т. МУҲАММАДИЕВ,
журналист.

Биз сув ичган чашмалар

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ БАҒДОДДА ИМТИҲОН ҚИЛИНИШИ

Ҳадис илмининг султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) тўплаган беназир мерос — пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг саҳийҳ (ишончли) ҳадислари мана қарийб ўн икки асрки бутун инсониятни рушду-ҳидоят йўлларига бошлаб келмоқда. Буни ватандошимизнинг ҳаётий ва илмий фаолиятлари жумлаи-жаҳонда муттасил равишда кенг кўламда чуқур ўрганилиб, аллома ҳақида ғарбу-шарқ тилларида юзлаб илмий ва оммабоп асарлар яратилган. Мана шулардан бири суриялик олим аш-Шайх Муҳаммад Жамолуддин ал-Қосимий ад-Димашқийнинг (1866-1914) «Ҳаёт ал-Бухорий» («Ал-Бухорийнинг ҳаёти») номли асари бўлиб, унда алломанинг ибратли ҳаёти ва илмий салоҳияти ҳақида кўп қимматли маълумотлар келтирилган. Араб тилида ёзилган мана шу асардан имом ал-Бухорийнинг бўюк бир фазилати — Қувваи Ҳофизаси ва Хотирасининг ақл бовар қилмайдиган даражада кучли бўлганлиги хусусидаги бир лавҳани ўзбекчага ўгириб, муҳтарам ўқувчиларимиз эътиборларига ҳавола этишни лозим топдик.

Шош (Тошкент)нинг таниқли муҳаддисларидан бири Ҳошид ибн Исмоил ибн Исо аш-Шоший ал-Ғаззол (вафоти 875 йил) шундай деб ёзган: «Имом ал-Бухорий ўспиринлик чоғида биз билан бирга Басра машойихларидан ҳадислар эшитарди. Ҳаммамиз устозлардан эшитганларимизни дарҳол ёзиб борардик, ал-Бухорий эса ҳеч нарса ёзмасдан фақат эшитиб ўтирарди. Шу тариқа ўн олти кун ўтгач, у биздан: назаримда кўп ҳадис ёзиб юборди ларинг, қани менга ёзганларингни кўрсатингларчи? — деб қолди. Биз ёзган ҳадисларимизни ҳисоблаб кўрсак ўн беш мингдан ортиқ ҳадис ёзиб олган эканмиз. Шунда ал-Бухорий уларнинг ҳаммасини ёддан айтиб бердики, ҳатто устозлардан ёзиб олган ҳадисларимиздаги йўл қўйилган баъзи хатоларни унинг ёддан айтганларига қараб тузатиб ҳам олдик».

Муҳаммад ибн ал-Азҳор ас-Сижистоний исмли олим шундай деган: «Устоз Сулаймон ибн Ҳарбнинг (вафоти 839 йил) илмий сабоқларида қатнашардим. Муҳаммад ал-Бухорий ҳам бизлар билан ҳадислар эшитардию, лекин у сира ёзмасди. Шунда талабаларидан бирининг ғаши келиб Муҳаммад нега сира ёзмайди? — деб сураб қолувди, унга: у ўз юрти Бухорога қайтгандан кейин ёдидан ёзади, — деб жавоб қилгандилар.

Абдуллоҳ ибн Адий ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Мубарак ал-Журжоний, у Ибн ал-Қаттон деб ҳам аталарди (вафоти 976 йил), шундай ҳикоя қилганди: Бағдод машойихларидан бир қанчасининг қуйидаги ҳикояларини эшитганман: «Бир марта Муҳаммад ал-Бухорий Бағдодга келганда шаҳардаги ҳадисшунослар бу хабарни эшитгач, бир жойга тўпланишиб ал-Бухорийнинг қувваи ҳофизасини имтиҳон қилиб, синаб кўрмоқни иродат этадилар. Шу мақсадда улар ҳар хил ҳадислардан юзтасини ажратиб олиб, уларнинг матнларию исноднларини бутунлай ўзгартириб бир тоифа ҳадис исноднларини тамоман бошқа матнларга, бошқа бир тоифа матнларни эса батамом ўзга исноднларга алмаштириб қўйдилар ва ушбу юз ҳадисни ўн кишига бўлиб, ҳар қайсисига ўнтадан қилиб тақсимлаб бердилар. Илмий мажлис бошланганда ушбу ҳадислар бўйича Муҳаммад ал-Бухорийга савол беришларини ларга уқдирдилар. Қачонки имом ал-Бухорий билан келишилган илмий йиғин вақти келганда бу йиғинга бағдодликлардан ташқари Хуросон ва бошқа ўлкалардан ҳам жуда кўплаб илм толиблари, меҳмонлар тўпландилар. Йиғилган мажлис аҳли тинчланиб, йиғин бошлангач, уша (махсус) тайёрланган ўн кишидан бири урнидан туриб (ўзига олдиндан берилган) ўн ҳадисдан бири ҳақидаги саволини сўраганда имом ал-Бухорий: мен бунақа ҳадисни билмайман, — деб жавоб қилди. Шундан сўнг у киши ал-Бухорийдан бирин-кетин қолган ҳадислар ҳақида ҳам сўради, ал-Бухорий эса ҳар сафар: Мен уни билмайман, — деб жавоб берарди. Шунда ушбу йиғинда қатнашган ва масаладан хабари бўлган баъзи уламолар бир-бирларига маъноли қарашиб: О, баччағар, сезиб қолди-ёв, — деб пичирлашса, масаланинг асл моҳиятидан бехабарлари бўлса имом ал-Бухорийни билими саёз, илми ўзига яраша ва хотираси заифликда айблай бошладилар. Шундан сўнг иккинчи киши урнидан туриб уша бутунлай ўзгартирилган ҳадислардан бири ҳақида саволини берди. Имом ал-Бухорий: мен уни билмайман, — деб жавоб қилди. У киши бошқа ҳадислари ҳақида сўраганда ҳам у: мен уни билмайман, — деб жавоб қилди. У бирин-кетин ўнта ҳадиси ҳақида сўраганда ҳам ал-Бухорий ҳар сафар: мен уни билмайман, — деб жавоб қилди. Сўнгра учинчи, тўртинчи ва қолганлари ҳам уша ўзгартирилган ҳадислари ҳақидаги саволларини сўрадилар, имом ал-Бухорий эса ҳар сафар бир хил: мен уни билмайман, — деб жавоб қиларди. Қачонки ҳаммалари (яъни тайёрланган ўн киши) барча саволларини бериб бўлганларига ишонгач имом ал-Бухорий биринчи бўлиб савол берган кишига қараб: сиз биринчи ҳадисни шундай деб бузиб айтдингиз, аслида унинг тўғри шакли бунақа, иккинчи ҳадисни бундай айтдингиз — тўғриси ундай эмас бундай, учинчи, тўртинчи ҳадисларнинг ҳам тўғриси бундай деб у сураган ўнта ҳадисни бирма-бир ҳаммасининг матнини келтириб, уларнинг ҳар қайсисининг матнини асл (тўғри) исноднига, исноднини эса ўз матнига қайтариб тўғрилаб айтди. Қолган савол берган тўқиз кишининг сураганларига ҳам худди шу зайлда бирма-бир жавоб қилди. Йиғилган кўпминг кишилик жамоатнинг ҳаммаси унинг қувваи ҳофизасига қойил қолиб, унинг фазлу фазилатига таҳсинлар ўқиб, офаринлар айтиб, алломани олқишладилар.

Аллома ал-Ҳофиз ибн Ҳажар ал-Асқалоний: «Бу ўринда, албатта, имом ал-Бухорийнинг ноёб истеъдоди тан олинаётир. Чунончи хатони тузатиб тўғри аслига қайтаргани жуда ҳам ажабланарли иш эмас, чунончи у ҳофиз (ёддан билувчи)дир. Бу ўринда ўта ажабланарлиси шундаки, у ҳеч бир тайёргарликсиз дафъатан ўзига атайин чалкаш берилган ҳадисларнинг хатосини тузатиб, уларни ёддан ўз ўрнига тузатиб қўйганида», — деб ёзган эди. Олим Абу Бакр ал-Калвазоний: «Мен умримда Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаганини сира кўрмадим. У ҳар қандай илмий китобни олиб диққат билан ўқиб чиқарди ва бир мартанинг ўзида ҳадисларни барча масалалари билан биргаликда ёдида сақлаб қоларди», — деб таъкидлаган. Муҳаммад ибн Ҳамдавайҳ: «Имом ал-Бухорийнинг «юз минг саҳийҳ (ишончли, тўғри) ҳадис, икки юз минг ғайри саҳийҳ (ишончли бўлмаган) ҳадислардан ёддан биламан», — деб кўп такрорлаганини қулоғим билан эшитганман», деб ёзади.

Имом ал-Бухорийнинг варроғи (ёзганларини оққа кўчирувчиси) бир сафар ўзлари ҳоли қолганларида ундан: ёдлаш қобилиятини кучайтириш учун бирон даво борми? — деб сураган. Шунда ал-Бухорий: ҳифз (ёдда сақлаб қолиш) учун инсонга илмга ўта чанқоқлик ва сай ҳаракатнинг бардавомлигидан ортиқ фойдали нарсани билмайман, — деб жавоб қилганди.

Убайдулла УВАТОВ,
Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бир неча йиллардан бери ҳар ҳафтанинг чоршанба куни умумуниверситет миқёсида талабаларнинг профессор-ўқитувчилар билан биргаликда кураторлик соати ўтказиб келинмоқда. Буларда таълим-тарбияга оид маъруза ва суҳбатлар билан бир қаторда республикамиздаги йирик олимлар, ёзувчилар, шоирлар, адиблар, давлат ва жамоат арбоблари билан

Олий ўқув юртларида

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН

учрашувлар ўтказиш анъанага айланган.

Куни кеча ана шундай йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов билан учрашув бўлиб ўтди. Уни университет проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Назар Ҳакимов бошқариб борди.

Учрашувда «Демократиямиз асоси — Конституция», «Ўзбек миллий ёзувимиз тарихи», «Жамият тараққиётида тилнинг роли», «Ўзбек лотин алифбосининг афзалликлари» каби мавзулар ҳақида маъруза-суҳбат бўлди.

Йиғилиш сўнгида тингловчиларнинг ўндан зиёд саволларига батафсил жавоб берилди.

Мазкур мулоқот кўп мингли талабаларимизда чуқур таассурот қолдирди.

С. РИЗО.

БЕҒАРАЗ ТАНҚИД КЕРАК

(Боши 1- бетда)

16 — ўрта мактаб жамоаси 2 гектар ғаллазордан юқори ҳосил қўтаришди. Ғалладан бўшаган майдонга маккажўхори ва сабзи экиб, айни кунда ҳосилини йиғиштириб олишди. Якуний ҳисобларга кўра, барча мактабларимиз ер майдонларидаги биринчи экинлардан ҳаммаси бўлиб 472 минг сўм даромад олинди. Ҳозир таълим муассасаларимиз ихтиёридаги 100 гектарга яқин майдонда иккинчи экин — маккажўхори, мош, сабзи, шолғом ва қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларидан етиштирилган ҳосил олиниб, сарҳисоб қилинмоқда. Тўғри, халқимиз айтганидек, беш қўл баробар эмас. Бу ишда оқсаб турган мактабларимиз ҳам бор. Уларга ҳам ёрдам қўлимизни чўзишимиз керак.

— Ўқувчиларнинг билим савиясини юқори даражага кўтариш давр талаби. Бу тўғридаги фикрларингиз?

— Ўқув юртларига кириш тест синовлари асосида булаётгани, бу адолатли усул таълим жараёнига жорий этилаётганидан шўрчиликлар ҳам беҳад хурсанд. Энди фақат илмга чанқоқ болалар олий ўқув юртларига ўқишга киришади. Демак, энди муаллим фаолиятининг баҳосини ҳам унда таълим олаётган ўқувчиларнинг тест синовларидаги натижалари намоён этади, дейиш мумкин.

Туманимизда ўғил-қизларга фанларни чуқур ўргатишга кўпроқ эътибор бермоқдамиз. 24 та мактабимизнинг 57 та синфида 1353 нафар ўқувчи фанларни чуқур ўрганмоқда. Шунингдек, туманимиздаги 11 та синфда 228 нафар ўқувчи ихтисослашган, 28 та синфда 656 нафар ўқувчи табақалаштирилган ҳолда, 4 та махсус синфда эса 72 нафар ўқувчи математика-техника йўналиши бўйича лицей таълимини олмоқда.

Шурчида 1та кечки ёшлар мактаби ҳам бор. Ана шу мактабни ҳам кенгайтириш эҳтиёжи сезилмоқда. Кўплаб ўқувчиларимиз таянч таълим олгач, у ёки бу корхонада ишлаш ҳоҳишини билдирмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки мактабда ўқишяпти. Мазкур мактабда ёшларимиз ўқиш билан биргаликда шароитимизга мос турли касбларни ўрганишяпти.

— Холмўмин ака, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Энди икки оғиз «Маърифат» газетаси хусусида ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Ҳар бир халқ таълими ходими «Маърифат»ни доим ўқиши шарт деб ўйлайман. Чунки у ўқитувчи учун таълимий манбалар хазинаси. Илғор тажрибаларнинг кўзгуси. Мен кейинги вақтларда газетада жуда кўп яхши мақолаларни ўқидим. Буларни ибрат намунаси дейиш мумкин. Шу билан бирга, фикримча, газета саҳифаларида танқидга кенг йўл бериш керак. Бегараз танқид яхши, хатолар тузатилади, кишиларнинг сергаклиги ошади.

Яна бир таклифим шуки, «Маърифат»да у ёки бу фан бўйича иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчилар учун топшириқ — синов саҳифалари ташкил этилса, яхши бўларди.

Абдували ОБИДДИНОВ суҳбатлашди.

Хотира

СИЙРАТИ ҚОЛДИ...

Уни Малика Шокирова дейишарди. Тошкент шаҳридаги 13-мактабда ишларди. Юқори синф ўқувчиларига кимё фанидан дарс берган эди. У яқиндагина орамизда эди. Бешафқат ўлим унинг жисмини орамиздан олиб кетди.

Юқори синф ўқувчиларига «Менинг севимли ўқитувчим» мавзусида иншо ёздирдим. Уларнинг Малика Шокирова ҳақидаги фикрларини битта жумлага шундай умумлаштириш мумкин: «Мактабимиздаги энг олижаноб, қалби пок, мунис, севимли муаллимамиз бу Малика опадир. Уни шунинг учун ҳам севамизки, худди ўз онамиздек меҳрибон ва ғамхўрдирлар».

13-мактабда таҳсил олган қайси бир ўқувчи билан суҳбатлашманг, у устози Малика Шокирова ҳақида дил сўзларини айтади. Ота-оналар эса унинг болажонлигини эслашади, ҳамкасблари армон билан тилга олишади. Ҳақиқатан ҳам Малика оқила, фозила аёл эди. Мана шундай инсон орамиздан бевақт кетди. Сафдошимиздан эрта айрилдик.

Ўлим ҳақ, тақдирга, оллоҳнинг ҳукмига тан бермоқ керак. Лекин энг яқин сафдош-сирдошинг, кунда кўришиб, гаплашиб, сирлашиб юрган, жигарингдай яқин бўлиб қолган дўстдан бевақт айрилсанг, ўйга тоқаларкансан, киши... Ҳаёт сенга мангуга берилмаслигини, унинг ҳар бир сонияси қадрига етмоқ лозимлигини, инсонларга яхшилик қилишга улгуришинг кераклигини, бу фоний дунёда сендан яхши ном қолиши даркорлигини ҳис қиларкансан...

Шундоққина кўз ўнгимда: мактабларни тўлдириб, давраларни кулдириб қандай юрар эди у? У бўлган давралар қувноқ эди. Ширин сўзи билан барчани ром этарди. Унга ҳамма ҳавас қиларди. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ ичида аввало яхши келин, вафодор ёр, меҳрибон она, жонкуяр қайнона дея ном олганди. Унинг умри беҳуда ўтмади. Инсонларга фақат яхшилик қилди. Ҳамма, ҳамма ундан рози, лекин у одамлардан, ҳаётдан рози кетдимикин!? Менимча, у рози кетди. Чунки ҳеч кимдан, ҳеч нимадан ҳеч қачон нолимас эди. Кўпинча битта сўзни такрорларди:

Нолиш билан иш битмас,
Мард номардга тиз
чўкмас.

У яқингинада 50 ёшга тўлган эди. Ҳали узоқ йиллар яшаши, ўзининг ва ўзгаларнинг умрига мазмун бағишлаши мумкин эди. Лекин ўлим бешафқатлик қилди .

Кўз ўнгимизда унинг сурати, сийрати қолди...

Осиё ҚАХҲОРОВА,
13-мактаб ўқитувчиси.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

Г

ГАРОВ, заклад — пул қарз олинганда қарз олувчи уни қайтариб бериши кафолатига қўйилган мулк. Қарз тўланмаса, мулк қарз берувчи ихтиёрига ўтади.

ГЕРБ БЕЛГИСИ — тижорат ва молиявий ҳужжатлар, шартнома, вексель, чек ва шунингдек, айрим маркаларни тузиш учун мўлжалланган махсус босма иш қоғози. Уларни сотиш йўли билан давлат герб (тамға) йиғимини олади.

ГЕРБ СОЛИҒИ — турли келишувларни расмийлаштириш, компанияни ёки унинг акционерлик капитали кўпайганлигини рўйхатга олиш, ишончнома, ижара, облигация, акция ва қимматбаҳо қоғозларни ўтказиш ҳақидаги шартномалар, васийлик, воситачилик, вакиллик тўғрисидаги битимлардан олинадиган солиқ.

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ — ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши. Гиперинфлциянинг яна бир муҳим белгиси — корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли нима қилиб булса ҳам товар сотиб олиш мумкин бўлган, қадри юқори пул-валюта йиға бошлайди. Гиперинфляция шароитида нарх-навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди, бартер авж олади, пул ўз вазифаларини бажармай қўяди. Гиперинфляция иқтисодий ҳалокат демакдир. Унинг олдини олиш учун шошилинч ҳолда инфляцияга қарши чоралар кўрилади.

ГРАНТ — илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишда давлат томонидан молиялаштириладиган буюртма.

ГУДВИЛЛ — 1) фирма ишбилармонлик алоқаларининг тахминий баҳоси. Моддий ишлаб чиқариш доирасига кирмайдиган соҳаларда фирма жамғарган активлари «нархи» (савдо маркаси обрўси, ишбилармонлик алоқалари тажрибаси, барқарор мижозлар); 2) мижозларнинг хайрихоҳлиги, илтифоти, мойиллиги; 3) муайян фирманинг турдош фирмалар ўртача даромадига қараганда кўлга киритиш мўлжалланган ортиқча даромадини пулда ҳисоблаш; 4) сезилмайдиган асосий капитал, сезилмайдиган активлар (умуман корхона баҳоси билан унинг мавжуд асосий капитали баҳоси ўртасидаги фарқ).

(Давоми бор).

ХОРАЗМДА КИТОБ БАЙРАМИ

Раҳмат Мажидий номидаги Урганч шаҳар марказий кутубхонасида Ўзбекистон Конституциясининг тўрт йиллиги муносабати билан китоб кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмага Конституцияга бағишланган китоблар ва турли адабиётлар қўйилди. Бундай тадбирла «Конституция — барча қонунлар ҳуқуқий тизимининг асоси» мавзусида барча туманларда ҳам бўлиб ўтди.

М. КАРИМОВА.



ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ МИНБАРИ

«Мулоқот» журналининг бош муҳаррири Барот БОЙҚОБИЛОВ билан суҳбат

— Бугунги адолатли сиёсатнинг, иқтисодий ислоҳотнинг халққа етиб боришида матбуотнинг роли қай даражада деб ўйлайсиз?

— Матбуот ҳамма даврларда ҳам, у қандай тузумга асосланган давлат бўлишидан қатъи назар, халқ оммаси ва давлат ўртасида воситачи бўлиб келган. Хусусан, яқиндагина асрий орзу-умидлари ушалган, мустабид тузум исканжасидан озод бўлган бизнинг мамлакатимизга ўхшаган давлатлар учун матбуот сув билан ҳаводай зарур. Чунки иқтисодий, сиёсий, маданий йўналишлардаги янгиланишлар моҳиятини халққа борлигича, рўйи рост етказиб берадиган биргина восита — бу матбуот. Шу сабабли ҳам муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов матбуот ва ахборот воситаларининг ривожига катта аҳамият бермоқдалар. Жумладан, бизнинг «Мулоқот» журнали 1991 йилда ташкил этилди. Ушанда биз жуда кўп долзарб масалаларни ўртага ташладик, уларнинг таҳлилига, шарҳига замондошларимизнинг фозил, комил намояндаларини жалб этдик, янада кўп етук муаллифлар ўзлари бизни излаб топди, натижада қисқа вақт ичида она журнал атрофида соғлом, интелектуал муҳит ярата олдик. Ўтган даврмобайнида журналимиз мустақиллик минбари бўлиб қолди. Муҳарририятимиз ҳам танлаган йўлидан оғишмай, мустақил республикамизнинг истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида журнал муштарийлар ишончини қозонди, уларнинг меҳрига сазовор бўлди, дилларига чироқ ёқди, доно ҳамсуҳбатга айланди. Журнал саҳифаларида берилаётган маданий ва тарихий меросимизга, маънавиятимизга оид ҳамда қадриятларимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, хориждаги юртдошларимиз билан суҳбатлар, шу куннинг долзарб иқтисодий муаммоларига оид мутахассис мулоҳазалари ва бошқа туркумдаги қатор мақолалар кенг жамоатчиликда катта қизиқишлар уйғотгани сир эмас.

Бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоси иқтисодиётимизни соғломлаштириш ва ишлаб чиқаришни табиий ўзанга туширишдир. Бу масала халқимиз турмушини фаровонлаштириш билан боғлиқ. Қатор иқтисодчи олимларимиз бизнинг доимий муаллифларимиздир. Шунингдек, бугунги кунда муҳим бўлган истеъдодларни тарбиялаш, мустақиллик ғояларига садоқат, ёшлар тарбияси ва она тилимиз муаммолари бизнинг мунтазам ёритишимиз зарур бўлган соҳалардир. Бу ҳақда журналхонларимиз билан баҳслашадиган, улар билан жонли мулоқотга киришадиган мақолалар тайёрламоқдамиз.

Биз бу йил ҳам муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов китобларини, у киши ишлаб чиққан беш тамойилни таҳлил қилувчи ҳамда иқтисодиётимиз тўғрисидаги суҳбат ва мақолаларни ҳар бир сонда бериб боришга қарор қилганмиз. Чунки келажаги буюк давлатимизни иқтисодиётсиз ва унга муштарак миллий мафкурасиз тасаввур этиш қийин. Зеро, мустақил республикамизнинг барқарор истиқболи Президентимиз белгилаб берган аниқ йўл-йўриқларда ўз ифодасини топган. Шунингдек, маънавият ва маърифат масалаларига эътиборни яна ҳам кучайтирамиз. Маънавий комил инсон фазилатларини тарбиялашда маърифат фидойиларига кумаклашиш умидидамиз.

— «Мулоқот» журнали ўтган йиллар ичида халқ меҳрини қозонгани рост. У ўз йўналиши ва обрўйига эга бўлди. Бунинг сабабларини қандай изоҳлайсиз?

— Биз ўз йўлимиздан бордик. Шаклан, мазмунан ҳеч бир журнални такрорламайдиган мавзуларни излаб топдик. Тарихий меросимизга оид, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, аждодларимиз томонидан яратилган маданий бойликлар ҳақида тамомила янги руҳдаги мазмундор, ўзига хос мақолалар бердик. Хорижда яшашга мажбур бўлган, диёнатли, ватанпарвар юртдошларимиз билан қилган жонли суҳбатларимиз муштарийларни тўлқинлантирди. Юзлаб хат ва хабарлар олдик. Миллий мафкура масаласи, унинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёти хусусида туркум мақолаларни 1991 йилдаёқ бизнинг журналимиз ўз саҳифаларига олиб чиқдики, бу дадил қадамлар илмпарвар, янгиликни тез илғовчи халқимизнинг эътиборидан четда қолмади. Журнал жамоаси миллий истиқлол мафкурасини яратишда таҳсинга лойиқ хизмат қилди.

Ундан ташқари журналимиз саҳифаларида «Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари» рукни остида ҳазрати Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний), Хожа Аҳрори Валий, Маҳдуми Аъзам, Офоқ Хожа, Суфи Оллоёр, Абдухолиқ Ғиждувоний сингари мусулмон Шарқининг буюк мутассаввуф доғлари, уни ардоқлаб бир-бирига ўқишга бераётган муштарийларимиз кун сайин кўпаймоқда.

— Янги йилда мухлислар журнал саҳифаларида нималарни ўқиши мумкин?

— Журнал муҳарририяти бу йил ҳам ўз мавзу доирасини янада кенгайтирмоқда. Имкониятларни чамалаб кўрмоқда, янги-янги манбаларни излаб топмоқда. Биз бундан кейин ҳам миллий ва маданий меросимизга тааллуқли қимматли мақола ва лавҳалар бериб борамиз. Ахир ўз тарихимиз, бой маданий меросимиз билан қанчалик фахр этсак кам. Уни оламаро кўз-кўз қилишимиз, ўрганишимиз ва кўз қорачиғимиздек авайлаб асрашимиз керак. Ўтмишни ўрганмай туриб, келажакка ёруғ юз билан бориб бўлмайди.

1997 йилда ҳам мустақил ватанимизда мунтазам амалга оширилаётган иқтисод, сиёсат, маданият, маънавият соҳаларидаги муҳим ўзгаришлар «Мулоқот» журналининг эътиборида бўлади. Бу соҳада республикамизнинг атоқли иқтисодчи, тарихчи, файласуф, дин олимларининг фикр-мулоҳазларига кенг ўрин берилади.

Янги йилда асрлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган маърифат чашмаси — «Чор китоб»нинг ўзбекча тўлиқ таржимасини бериш ниятидамиз. Бу асар маърифат мухлислари, ҳозирги ва бўлғуси раҳбарлар, мураббийлар ва ёш авлод учун иймон фалсафасини ўрганишнинг ибтидосидир.

Бундан ташқари, келгусида дунёдаги энг муқаддас китоблар — «Тавроти шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръони мажид» ҳақида ҳаққоний тадқиқотлар берилади. Журнал ўз саҳифаларида Шайх Қаффоли Шоший, Шайх Зийниддин, Шайх Ховандн Таҳур, Жалолиддин Румий, Хожа Хофиз, Камол Ҳўжандий ва бошқа тариқат ҳамда маърифат пирларининг ҳаёти ва аъмоли хусусидаги асарларни тақдим этади. Бу маънавият дурдоналари бугунги жамиятимиз ҳаётида одамларни ҳалол ва бунёдкор меҳнатга, ахлоқий камолотга чақириши билан қимматлидир.

Янги йилда «Истиқлол ва маънавият», «Истиқлол фидойилари», «Муқаддас шаҳарлар» рукнларида буюк алломалар ҳаёти ва аъмоли ҳамда башариятнинг табаррук шаҳарлари билан боғлиқ тарихий воқеалар билан танишасиз. Журналнинг зарварақларида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Хожа Аҳрор Валий, Камолиддин Беҳзод сингари буюк алломаларнинг суратлари берилади.

Журналнинг ижодий жамоаси шу тилакни билдирадики, тарбия, маърифат билан шуғулланувчи, жамоаларга раҳбарлик қилувчи минглаб зиёлилар бу дурдоналардан бехабар қолмасинлар.

Обуна — 97

«МАЪРИФАТ» САҲИФАЛАРИДА

Ҳунар лицейимиз жамоаси «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Қашқадарё ҳақиқати» ва «Маърифат» газеталарини олади. Ҳар гал алоқачи газета келтириши билан энг биринчи галда «Маърифат»ни кўздан кечираман.

«Маърифат» кейинги йиллар ичида мазмундорлиги ва кўриниши жиҳатидан ҳам яхшиланди. Газета оммабоп нашрлар даражасига интилаётир. «Маърифат» саҳифаларида республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Низом ва йўриқномалар ўз вақтида бериб борилаётганлиги бизга тўғри йўналишларни ўз вақтида белгилаб олишимиз учун жуда-жуда фойдали бўлаётир.

Ҳунар лицейимизда «Маърифат» газетаси бош нашр ҳисобланади. Ушбу газетани ўқувчиларимиздан тортиб, ишлаб чиқариш усталаримизгача, муаллимларимизгача ҳамма ўқийди. Ҳар душанба куни ишлаб чиқариш усталари ва муаллимларимиз билан биргаликда 15 дақиқалик «Маърифат» саҳифаларида» деб номланувчи шарҳ ташкил этганмиз. Унда ходимларимиз «Маърифат»нинг сўнгги иккисонини шарҳлайдилар. Кўпгина мақолаларни лицейимиз ҳаётида ишлаб чиқишни тавсия этамиз.

Ўмуман олганда, «Маърифат» газетасининг ҳар бир сонини ўрганиб чиқмаган илм масканида, шубҳасиз зиё оламидан узилиш содир бўлади. Узи тарбиячи, муаллим бўлсаю, «Маърифат»ни мунтазам ўқиб бормаса, бундай устозни «даврга мос» деб айта олмайман.

Мен халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган барча ҳамкасбларимни «Маърифат»га обуна бўлишларини жуда-жуда зарур деб ҳисоблайман.

Раҳмон БОБОЁРОВ,
Шаҳрисабз ҳунар лицейи директори.

«ФАРҲОД-У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

ФИТРАТ

Зотан Эронда кўпдан бери маълум бўлгон бу достон Низомийнинг уста қалами билан ҳаммани қизиқ(тир)арлиқ бир шаклга киргандан кейин Форс шоирлари орасига бир қатор тақлидлар бошланадир. Узини Низомийга ўхшатгон, Низомий билан бўй ўлчамакчи бўлгон ҳар шоир бир «Хусрав-у Ширин» достони ёзадир. Табиий, буларнинг ҳар бири достондаги воқеани оз-кўп ўзгартишга, баъзи жойларни камайтириб-кўпайтиришга уриналар. Бу, Низомий тақлидчиларининг энг машҳури 14-нчи асрнинг биринчи ярмида ўлган Амир Хусрав-у Деҳлавийдир. Амир Хусрав-у Деҳлавий ўзининг «Хусрав-у Ширин» достонини Низомий каби бошлаб шу каби битирадир. Достоннинг асосий чизиги Низомийники. Бироқ, орасира ўзгариш киргизилган. Мен Хусрав-у Деҳлавий ва Низомий достонлари орасида бўлгон айрим нуқталарни, айрим ўзгаришларини кўрсатишга урунмайман, узоқга чўзиладир. Бироқ, шу мақола учун жуда керак бўлгон бир нуқтани қайд қилиб ўтаман. Хусрав-у Деҳлавийга кўра, Фарҳод чин хоқонининг ўғли бўлгон. Сарой тошчиларининг ишларига ҳавас қилиб тошчиликни ўрганган. Отаси унинг бу ишидан хабар олгоч, уни ўлкадан қувгон. У ғарибликда юрар экан, Ширинга учрагон. Хусравдан сўнгра ҳам тақлид давом қилди. Форс адабиётида кўп «Хусрав-у Ширин»лар яратилди. Ҳеч бири (Хусрав-у Деҳлавий асари ҳам) Низомий асари даражасида чиройли ва уста чиқмагони учун унинг даражасида — муваффақият ҳам кўра олмади. Навбат 15-нчи асрнинг машҳур чигатой шоири Алишер Навойига келди. Навойи Низомий билан Хусрав-у Деҳлавийнинг «Хусрав-у Ширин» достонларига ўхшатма ёзмоқ истаганда бошлаб мазкур асарларни танқид кўзидан кечирди. Ва достоннинг улар томонидан қабул қилингон шаклига рози бўлмади. Навойи асарининг бошида Низомий, Хусрав достонлари ҳақида шундай мутолаа юргизадир:

Вале чекганлар ушбу жомдин роҳ,
Саросар бўлдилар Хусравга маддоҳ.
Ки ҳукми андоҳ-у ойини андоҳ:
Гаҳе Шабдез оламгарлидин деб,
Замон ганж — бод оварлидин деб.
Нишоти базмида хонлар мурассаъ,
Не хонлар қаср-у айвонлар мурассаъ.
Чекиб гаҳ «Борбад» лаҳни билан май,
Гаҳи Шопур дастон деб гаёҳай.
Бузург Уммед ҳикматжўйи онинг;
Не ҳикмат жў ҳулломатдўйи онинг.
Топиб гаҳ Марям оғушида ором,
Шакар ҳалвосидин гаҳе олиб ком.
Бўлуб Ширинга ошиқ подшаҳвор,
Гаҳ ул маҳбуб улиб гаҳи парастор.
Яқиндирким, бу шоҳноз парвари,
Эрур дард-у бало ойинидин фард.
Арода деб бир-икки достон ҳам,
Яна Фарҳодин айтиб нишон ҳам.
Ки бир хоро Шикоф — кўҳсори,
Бўлиб Ширин қамининг беқарори.
Неча кун васл учун айлаб ак-у дав,
Ани ҳам ўлдуриб тош ичра Хусрав.

(Вале — бироқ. Роҳ-май. Саросартамоман, бошдан бошга. Ойин-расм, одат, қоида. Шабдез-Хусрав оти. Ганж бод овард-Хусравнинг хазинаси. Нишот-айш. Мурассаъ. безалган. Борбад-Хусравнинг музикачиси. Лаҳн-оҳанг. Бузург Уммед-Хусравнинг вазири. Марям-Хусравнинг хотини. Шарқий Рума импературининг қизи. Шакар-Хусравнинг хотини. Парастор-хизматчи.)

Мана бу манзум парчадан англашиладирки, Навойи Хусравни ёқтирмайди. Хусрав Фарҳоднинг ўлимини ҳила билан ҳозирлагон, у Фарҳод ўлимидан масъулж бунинг устида Хусрав, умуман қилассик шоирларининг мавзуи бўлгон «ишқ мажнуни» (ишқ-афлотуни) дан хабарсиз бир одам. у ҳар кун бир хотинга ҳавас қиладир. Бу кун Марям, эрта Шакар, индин Ширин чун ёнадир, ишқ йўлида подшолик кучидан фойдаланадир. Мана бундай тип Навойига албатта ёқмайдир. Унинг ҳақли фикрига кўра, асосан бу ишқ масаласида Навойидан айрилмагон Низомий билан Хусрав-у Деҳлавийга ҳам ёқмаслиги керак. Ҳолбуки, улар мана шу одамни махтайлар. Асарларининг буюк бир қисми шу одамни махташдан тўлгон, зотан асарларининг мақбул бош қаҳрамони ҳам шул.

Лекин улуғ форс шоирнинг «Хусрав-Ширин» достонларини шу йўлда танқид қилгон Навойи ўзига тубандагича йўл белгилайдир:

Чу сен ҳам бўйла ҳиммат зоҳир элдинг
Тараддуд йўққи, мақсудингга елдинг.
Бурун жаҳм эт неким бўлгай таворих,
Боридин иста бу фарҳунда тарих.
Топилгай шоҳд анда бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.
Ани назм этки тарҳи тоза бўлгай.
Улуққа майли беандоза бўлгай.
Йўқ эрса назм қилгонин ҳалойиқ,
Мукаррар айламак сендин налойиқ.
Ҳуш эрмас эл сўнгича равҳи сурмак,
Йўлеким, эл югурмишдир югурмак.
Бу боғ ичра биравким сойир эрди,
Нечаким гул очилгон эрди, терди.
Ҳам ул ерда эмас гул истамак хуб,
Бу бўстон саҳнида гул кўб, чаман кўб.

Навойи мана шу йўлда тушуниб янги бир асар ёзишга қарор берадир. Бу асарнинг оти Низомий ва унинг тақлидчиларининг асарлари каби «Хусрав-у Ширин», «Ширин-у Хусрав» эмас, «Фарҳод-у Ширин» дир. (Навойининг Низомий, Аттор, Хисрав, Ҳожи Калфарс шоирларига таржимачи деб ўйлаш ҳали илм аҳли орасидан тамом йўқолгон эмас. Бунинг янглишлиғини, Навойининг қуруқ таржимачи эмаслигини исбот қилмоқ учун энг фойдали биринчи ишни профессор Бертельс бошлади. Профессорнинг «Навойи ва Аттор» («Неваи ва Аттар») исмли ишларида бу тўғрида жуда фойдали маълумот бор. («Неваи и Аттар» 1928 инчи йилда Ленинградда босилгон). Навойи асарнинг биринчи даража қаҳрамони қилиб Фарҳод билан Ширинни оладир. Низомийнинг аксинча Хусрав-Парвезни 2-инчи даражада бир қаҳрамон қилиб воқеанинг ўрта ерига киргизадир. Асарининг бош қаҳрамони бўлгон Фарҳодни Навойи комил бир инсон типида оладир. Илмда, истеъдодда, кучда жуда камолга эришганини унинг ҳар бир ҳаракати билан, ҳар иши билан исбот этмакчи бўладир. Бу қадар мукаммал шахсиятни камбағал тош усталари орасида кўрмак, шулардан чиқармоқ Навойига ёқмайдир. У бу типда одамларни ўз синфидан, саройдаги тўралар, хонлар, беклар орасидан чиқарлар деб гумон қиладир, шунинг учун Фароҳодни оддий тошчиликдан олиб ўз синфига киргизадир. Уни бир улуғ сарой кишиси, бир шаҳзода, Чин хоқонининг (Хитой импературининг) ўғли қилиб кўрсатадир. Навойи бўйинча, ҳикая тубандагичадир: Чин хоқони ўғилсизликдан қайғирадир.

Кўп хайр, эҳсонлар қиладир. Хотини бир ўғил туғадир. Уни Фароҳод атайдирлар. Асарини иккинчи «Лайли-Мажнун» достони шаклига қўймоқ истаган ва Фарҳодга «Мажнуний бир ишқ» манқабаси тақмоқчи бўлгон Навойи уни болаликдан қайғили, йиғлагур, мунгли бир сир этиб тасвир қиладир.

Навойи Фарҳодни нечун Хитойдан чиқарадир. Бу содача унинг фантазиясими? Йўқса узидан бурунғи бирон асарга таянадирми? Юқорида кўчирганимиз манзум парчасида бу достонни янги шаклга қўймоқ учун Навойининг ўзига берган кенгаши бор эди. Шу кенгашда у эски «тарих-таворих» китобларини йиғиб, ахтариб ишни бурунғиларнинг кўзидан қочиб қолгон бирта-яримта хабарлар учралса, мана шуларга таяниб бу достонни ёзилишини тавсия қилар эди. Навойининг бундаги «таворих» сўзига турли кишилар томонидан ёзилгон «Хусрав-у Ширин» достонларининг ҳам дохил бўлгони шубҳасиздир. Навойи мана шу «таворих»ни тўплаб текширганда, қайси бир халқ орасида (айниқса, турклар орасида) маълум бўлгон бир «Фарҳод-у Ширин» («Хусрав-у Ширин» эмас) достонига учраб шундан фойдаландими? Юқоридаги кенгаш шу эҳтимолларни эсга соладир, Навойи бу асарини ёзгонда унинг қўлида Низомий ва Хусрав асарларидан бошқа Ашраф исмли бир шоирнинг асари, яна исмлари маълум бўлмагон икки шоирнинг асарлари бор эди. Шул мажҳул шоирларнинг асарларида Навойига ярарлиқ бир нарса бор эдими? Менинг қўлимда бу томонни аниқлайтурғон бир материал, бир санад йўқ. Бу томонни аниқлаштирувчи санадларнинг борлиғи маълум бўлгонга қадар Чин масаласини бошқача тушунишга мажбурман. Фикримча, масала шундай бўлгон: Низомийнинг достонига кўра, Ширин ариқ қаздирмоқ учун бир тош устаси сўрагонда Фарҳоднинг дарагини берган Шопур: «Чинда иккаламиз сафардош эдик, иккаламизнинг устозимиз бир эди», деб Фарҳоднинг ўзи билан бирга Чинда бориб баравар таҳсил қилгонларини билдирган эди.

Фарҳод каби муҳим бир достон қаҳрамонини ўз синфига киргизмак истаги Хусрав-у Деҳлавий, Низомийдаги шу нуқтадан фойдаланиб Фарҳод Хитой хоқонининг ўғли эди деган бир қайд ортдирғон. Хусрав-у Деҳлавий бўйинча Ширин Фарҳоддан асл насабини сўрагонда Фарҳод шундай деган:

Ман андар нисбат аз хоқони Чинам,
Ба гавҳар соҳиби тожу нигинам.
Ба қасри давлатам Монию Аржанг;
Тарози сеҳр мебастанд бар санг,
Бар онам дошт ин табъи ҳаваснок,
Ки чун эшон шавам устоди чолок.
Дар ин санъат чунон ошуфта шуд хуш,
Кикардам давлати шоҳи фаромўш.
Хабар дар гуши хоқон гўфт дастур,
Ки монд аз тожи шоҳй гавҳарат дур.
Мудом аз тоша магзи санг хорад,
Ҳавас не бар нигин, бар санг дорад.
Чу давлатро ба рафтан бошад оҳанг,
Занад мукбил ба кори мудбирон ҳанг.
Чу хоҳад гашт заргар тангрўзй,
Ҳаваснокй кунад дар кашфрўзй,
Чу ояд бахти деҳқонро гаронй,
Дилаш моил шавад бар жўфгронй.
Падар, К-огоҳ гашт аз пешаи ман,
Ба теша кард пора решаи ман.
Басе таъдиб кард аз ҳар наматсоз,
Наёмад э-ин ҳавасбоой дилам боз.
Ба ранжиш дошт аз озори ман даст,
Ба оби дида шуст аз кори ман даст.
Ба сад навмедй аз худ дурям дод,
Бар оҳанги сафар дастуриям дод.

Қисқача мазмуни: «Менинг нисбатим Чин хоқонига борадир, аслда тож ва тахт эгасиман. Менинг қасри давлатимда наққош Моний тошдан соҳирона нақшлар чизар эди. Мен ҳам шулар каби тош устаси бўлмоқ ҳавасига тушдим. У қадар шу ишга берилдимки, подшолиқ — давлатини эсимдан чиқардим. Вазир менинг бу ишимни отамга билдирди. Отам мени бу ишдан манъ қилмоқ учун кўп урунди, унинг манъи фойда бермади. Отам аччиғланди ва ўлкадан чиқарилишимга ҳукм қилди».

(Давоми бор)

Боши газетамизнинг 93,94- сонларида

Футбол

Мана, бир неча кундан буён Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган футбол бўйича XI Осиё кубоги баҳсларининг саралаш гуруҳлари учрашувлари ўз интиҳосига етди. Чорак финалда қатнашувчи жамоалар аниқланди. Афсуслар бўлсинким, бу чорак финалда бизнинг Узбекистон терма жамоасининг номи энди кўринмайди...

Аслида «С» гуруҳининг охирги учрашув ўйинлари кўп нарсани ойдинлаштириши керак эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Биринчи бўлиб майдонга Япония ва Хитой терма командалари тушди. Агар японлар хитойликлар устидан ғалаба қозонгудек бўлса, бизнинг жамоамизнинг анча имконияти ошарди. Иккинчидан, «А» гуруҳидаги Корея жамоаси учун ҳам Японияннинг ғалабаси муҳим эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Японлар Хитой терма жамоаси билан жуда чиройли ўйин намойиш этишди. Ўйиннинг тугашига беш дақиқа қолганда, кунчиқар мамлакатнинг футболчилари чиройли ҳужум уюштириб, муваффақият қозондилар. Бу мағлубиятдан сўнг хитойлик футболчилар анча имкониятни йўқотишган эди. Ва уларнинг тақдирини яна Узбекистон ва Сурия командалари учрашувининг натижаси ҳал қиларди. Японларнинг Хитой терма командаси устидан қилган ишончли

ТАЖРИБАСИЗЛИК ПАНД БЕРДИ

ғалабаси ўз навбатида «А» гуруҳидаги Корея терма жамоасини ҳам чорак финалга олиб чиқди. Энди барча имконият Узбекистон ва Сурия командаларининг ўйинига боғлиқ бўлиб қолди. Узбекистон командасини ҳатто дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Узбекистонлик футболчиларнинг мағлубияти эса Хитой футболчиларини чорак финалга олиб чиқиши мумкин эди. Шунинг учун, бу ўйин мутахассисларнинг ҳам диққат марказида турди. Афсуслар бўлсинки, ундай бўлмади. Узбекистон терма жамоаси жуда сўст ўйин кўрсатишди. Улардаги энг катта камчилик — тажрибасизликдир. Уларга ана шу тажриба етишмади. Бу тажрибасизлик уларга жуда қимматга тушди. Уз мухлисларини ранжитди. Баҳодир Иброҳимовнинг шогирдлари майдонда эркин ҳаракат қилолмасликлари, ўйинчиларнинг руҳий, жисмоний жиҳатдан тайёр эмасликлари ўйин тақдирини ҳал қилиб бўлганди. Узбекистонликларнинг мағлубияти ўз навбатида Хитой футболчилари учун чорак финал эшигини очиб берди. Ўйин 2:1 ҳисобида сурияликлар фойдасига ҳал бўлганди. Ҳозирча футболчиларимизга таскин бермасдан иложимиз йўқ.

Ҳа, нима ҳам деймиз, майдонни кенг, тўпни юмалоқ дейдилар. Умидлар бисёр, Ғалаба эса фақат машқ, меҳнатнинг самарасидир.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

Катта теннисга йўл

Хуллас...

ОЗЕРОВНИНГ ОЛМОСИ

Машҳур спорт шарҳловчиси, халқ артисти Николай Озеровни таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Унинг эҳтиросга тўла шарҳлари ҳали-ҳали ишқибозлар қалбида. Николай Озеров ҳозир ҳам спорт билан алоқасини узган эмас.

Яқинда унинг туғилган куни нишонланди. Россиядаги энг йирик заргарлик ширкатларидан бирови жуда тиниқ ва нафис олмослардан бирига Озеровнинг номини қўйди. Энди Николай Озеров ҳамма билан абадул-абад ҳамроҳ бўлади.

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМАНГ

Лозанналик профессор Херхард Алоиз Науман юқоридаги ақидани яна бир карра такрорламоқда. Унинг таъкидлашича, кишининг ойнадаги акси руҳиятга қаттиқ таъсир кўрсатади. Агар соғлом одам кўзгуга боқса, унинг соғломлик барқ уриб турган акси кўз орқали мияга ўтади ва руҳиятни янада кўтаради. Касал киши назар ташлаганда эса аксинча ҳолат рўй беради. Шу боис, профессор тани носоғ кишиларга кўзгуга боқмасликни маслаҳат бермоқда.

КАЙФИЯТИНГИЗНИ ТУШИРМАНГ

Воркута шаҳри фуқароси Владимир Матвеев фарзанд кўрганидан бўши осмонга етди. Дўстлари билан бу хурсандчиликни нишонлади. Кечки пайт, меҳмонларни кузатиб қайтаётганда, кўприк устида узини бошқаролмай қолди-да, пастга, музлаган анҳорга қулаб тушди. Касалхонага олиб келиб, текшириб кўришса, айтарли ҳеч ерилат емабди. Врачларнинг айтишича, яхши кайфият уни асраб қолган.

МУЗЛАТГИЧ МУЛЗАМ ҚИЛДИ

Украиналик ўғри дуконни ўмариб, энди жуфтакни ростлайман деб турганда, милиция атрофни қуршаб олди. Шошиб қолган ўғри нима қилишини билмай, узини музлатгич ичига урди. Милиция топиб олгач, бошлиқлардан бири унга деди: «Яхшиямки, ахтаришни музлатгичдан бошладик. Акс ҳолда ҳолингга маймунлар йиғларди».

ана шунақа гаплар

Обуна — 97

МАЪРИФАТ — МАЪНАВИЯТ АСОСИ

Мен аввало сўзни якунланаётган йилдаги ижодий фаолиятимизга баҳо беришдан бошласам, дегандим. Балки узингизга ҳам маълумдир, ушбу 1996 йилда барча бизга маълум нашрлар ичида фақат «Ёшлик»кина узининг ҳажмини оз эмас, нақ уттиз фоизга оширди. Биз уз обуначиларимиз олдида ваъдамизни адо этиб, ҳар бирига ўн икки — ўн уч босма табоқ ҳажмидаги асарлар жамланган журналнинг олтита сонини нашр этдик. Айнан журнал «семиргани» ҳисобига биз Шукур Холмирзаевнинг каттагина «Динозавр», Омон Мухторнинг «Аёллар мамлакати ва салтанати» романларини, Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Одил Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар ёхуд бир париваш асири», Шойим Бўтаевнинг «Офат куни» синғари саҳна асарларини, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ҳижроним мингдир менинг» қиссасини, шунингдек, қатор туркум ҳикоялар, шеърлар, достонларни эълон қилиш имкониятига эга бўлдик. Шу билан бир қаторда биз журналимиз номидан ва фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, республикамизда яшаб ижод қилаётган бир қатор ёшларнинг сара асарларини саҳифаларимизда чоп этдик.

Биз юртимизнинг келажаги буюклиги хусусида ишонч билан гапирмоқдамиз. Уша буюк давлатнинг қурувчилари эса бизнинг бугунги ёшларимиздир.

Бу борада журнал саҳифаларида ҳам имкон даражасида қизиқарли мақолалар, суҳбатлар, баҳслар эълон қилинди. Айниқса, «Ҳозирги ёшлар», «Маънавият сарчашмаси», «Кўнгил дафтари» синғари бир қатор рукнларда чоп этилган мақолалар кўпчилик ёшларимизга маъқул бўлаётгани, уларда фикр-мулоҳаза уйғотаётгани бизни қувонтиради.

Биз келгуси йили ҳам ўз анъаналаримизга содиқ ҳолда, янги номларни кашф этишда давом этамиз: мухлисларимизни жаҳон ва узбек адабиётининг энг яхши анъаналари билан таништирамиз; ижтимоий ҳаётимиз, хусусан ёшлар ҳаёти, бугунги бозор иқтисоди муаммолари таҳлил этилган туркум мақолалар чоп этамиз; бой маданий меросимиз, боқий қадриятларимиз мавзуидаги ранг-баранг асарлар ҳам журналимиз саҳифаларидан ўрин олади.

Биз 1997 йилда ўқувчиларимизга маъқул бўлиб қолган бир қатор «ўз» рукнларимиз қаторида «Муҳаббатнома», «Иқтисод илмидан сабоқлар», «Муаммолар, муаммолар...», «Мен миллионер бўлмоқчиман», «Ёш даҳолар» синғари янги рукнларда ҳам кўпдан-кўп қизиқарли чиқишлар қилишни режалаштириб қўйганмиз. Шу билан бир қаторда Ғаффор Ҳотамов, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамроев каби носирларимизнинг йирик асарларини, Г. Г. Маркеснинг «Полковникка ҳеч ким мактуб ёзмасди» қиссаси, Стенли Лауденнинг «Галина Брежневанинг жавоҳирлари» романининг таржималарини эълон қилиш ниятимиз бор...

Фурсатдан фойдаланиб, йирик тиражда чиқадиган газетангиз орқали барча маориф ходимларига, мактаб ўқувчиларига, педагогика институтларининг талабаларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этсам дегандим. Зеро, уларнинг ҳаммаси бизнинг энг фаол муаллифларимиздан. Таҳририятимиз папкаларида ижодкор ўқитувчиларнинг, талабаларнинг ва ҳаттоки мактаб ўқувчиларининг нашрга тайёрлаб қўйилган каттакичик асарлари турибди. Мен уларни номма-ном санаб ўтирмай, насиб қилса, келгуси йили журналимиз саҳифалари орқали юзлашсак, ана шунда ўзлари ўқиб билиб олишар.

Ва ниҳоят «Яхши от кейин чопади», деган ҳикматни ҳам суҳбатимиз якунида бир эслатиб ўтсам дегандим. Яъни, ҳали обуна тугашига вақт бор, мухлисларимиз бемалол «Ёшлик»ка келгуси йил учун ёзилиб қўйишлари мумкин. Обуна нархи ҳам қиммат эмас, етказиб бериш харажатлари билан уч юз сўмдан сал ошади, холос. Индексимиз 75241.

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ,
«Ёшлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари.

Асад ДИЛМУРОД

ФАРЗАНДЛАР

Хаёлий ҳикоя

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, соҳиб, — деди у секингина.

— Адашиб қолдингми, барака топгур? — дея ҳазиллашдим. — Балки бирон пари оғушида сархуш бўлиб каминани унутгандирсан? Сени ёшингда ошиқ бўлиш қандай маза!

Сарбоз сукутида ҳам тенгсиз салобат, ҳам ажаб бир мунислик мужассам эди. Асли у табиатан қизиққон бўлгани учун камдан-кам ҳолларда бунақа индамас, камсуқум бўлиб қолар, нафақат абжирликда, чечанликда ҳам ҳаммани лол қиларди.

Рости, тангри Сарбозни сийлаб, чинордай қоматига битмас-туганмас куч-қувват, йирик-йирик маъно̇дор кўзларига умидбахш ёғду, кўнглига эса оламга татигули меҳр туйғусини ато қилган, бинобарин, забардаст кўкрагини ёпган пўлат совути, шижоатли белидаги дандон сопли ханжари уни яна ҳам салобатли, яна ҳам ўктам қилиб кўрсатар эди.

— Ановиларни кўрмай дедим, — тилга кирди ниҳоят Сарбоз, ҳазилимга аҳамият бермай. — Айниқса Файласуфга тоқатим йўқ!

— Нечун, паҳлавоним?

Алланечук хижолат ичида шу саволни бердим, ажабки, товушимда танбеҳ, гина, умид қоришиб кеттандек эди. Мен гўё Файласуф тарафида эдим, аслида эса... барига жонимни тикканман, хоҳ ундоғ, хоҳ бундоғ бўлсин, барини бағримга босишга мажбурман. Фақат буни Файласуф ёки Сарбозга, Шоир ёки Фаррошга қандоғ тушунтирсам?

— Файласуфга ортиқча ишонасиз...

— Нима қилай, қонимдан яралган.

— Мен-чи?

— Сен ҳам... Яхшиси мақсадга кўча қол.

— У борди... тегишли жойга.

— Чакки қипти, — дедим ичим қирилиб.

— Сизни олиб кетишади, Фаррошни чолидай...

— Пишириб ейишмас.

— Касрим тегди, — Сарбоз ханжарини қинидан шиғ суғуриб, тагин жойига тиқди. — Бадар кетолмасам, сизга ипсиз боғлиман.

— Бир сенми, Шоир ҳам бор...

— Шоирингиз ширин гап гадоси, писанд қилишмайди... Уни Файласуф борғандан кейин эслашди. Мени эса... биласиз. Ҳар қадамим улчанган. Мендан кеча қолинг, йўқса азобни каттасини кўрасиз.

Турмуш нақадар оғир, икирчикирлари Сарбоздек валломатни ҳам анчагина букибди чамаси, йўқса... у отаётган маломат тошлари Файласуф ёки Шоирга эмас, пайдар-пай менинг ўзимга тегаётган эди. Ҳеч қачон ўзимни ҳозиргидек толгин сезмагандим. Ғангиб, ҳаёлим чувалиб, бўзариб қолдим. Сарбозга тайинли жавоб қилмадим. Ҳалиги маслаҳати эса чигилни ечадиган чора эмасди. Ҳўш, ўшандоқ қилиб омон қолдим, эрта унинг бетига қандоқ қарайман?

Қовоғи осилган Сарбозни кузатиб қўйганимдан сўнг жимжит хонага якка ўзим баттар сиғмай қолдим. Ёлғизлик ҳоритди, бедорлик эса оғир дард бўлиб қовоқларимга буткул ёпишиб олди. Тешик-туйнуклан гўё ҳар хил ваҳимали ўйлар бостириб келар, тасаввуримда баланд қурилган дор, темир кишан, зимзиё йўлкалар, адоғи йўқ симтўсиқлар чириллаб айланарди.

Тонгни зориқиб кутдим, тун сига кафтини тираганча хириллаб қулди Фил. — Касалингиз оғир, ҳатто юқумли... Сиз кечасию кундузи дунёни тузишни эмас, бузишни ўйлайсиз. Сизга тақлид қилиб бошини ғовлатиб юрганлар қанча!

— Нега менга тақлид қилишади?- — дедим ранжиб. — Нима, ўзларида калла йўқми?

— Бор, лекин, сизники... уларга кўпроқ маъқул, чунки сиз уларга ростни қўйиб кўпроқ ёлғон гапирасиз. Лақмалар учун ёлғон жозибали нарса!

— Лекин мен... дунё олдида бир зарраман. Дунёни яратиб қўйган зот тангри, қачон бузаман деса ҳам ўзи бузади. Бундай улуғ ишга аралашиш қўлимдан келармикин?

— Яширманг, аралашиб юрибсиз, — деди Фил бўзариб. — Тўғри, ўзингиз панада, аммо шайкангиз бор... даҳшатли!

— Шайкам? Нималар деяпсиз?

— О-о, бирам гўлсизки! Ўқитманг, ўртоқ, барини биламиз, фақат ўз оғзингиздан эшитсак...

— Ўлимдан хабарим бор, бунақасидан хабарим йўқ!

— Ҳимм, шундайми? Дейлик... Файласуф... Танимайсизми?

— Файласуф?

— Ҳа! Тағин Шоир, Сарбоз... Гаҳ деб қўлга қўнадиган қилиб олгансиз. Фақат... Фаррош нима қилади орангизда, билмадим. Ҳа, айтганча, унинг эри уччига чиққанлардан экан. Ҳўш, сузланг, бу шайка бўлмай нима?

— Билмадим, балки шундайдир, — дедим кулимсираб.

— Бас, шубҳага ўрин йўқ!

Мужмалтина қилган эътирофим Филга журъат берди, у шахт билан қўлимга кишан солқишганда, борлиқ зулмат қўйнида булгани сабабли, вақтни яна ажрата олмадим. Ҳали ўша кеча адоғига етмаган чоғи, деган хаёлга бордим.

Кичикроқ қандил ёритган, деразаларига қора мато қоқилган, турли лаш-лушга тўла кенгтина хона бўсағасида қозиқдай тикрайтирб қўйишди. Ҳолдан тойгандим, оёқларим жонсиз, миям ғовлаган, ҳозироқ гупиллаб қулайдигандек, оҳиста чайқалардим. Ориятим ғолиб келиб ҳушимни сал ўнгладим. Аста бошимни кўтардим ва суянчиғи баланд ўриндиқда тарвақайлаб ўтирган Филни кўрдим. Фил бамисоли тоғ, турса калласи бориб шифтга тегадигандек, йўғон қўллари муз устида сочилган қоғозларни тартибга солиш билан машғул.

Танимни зўрга тутиб турганимни сезди шекилли Фил мийигида кулди, мендан нигоҳини олиб, дераза томонга қаратди. Беихтиёр мен ҳам ўша тарафга тикилдим. Бу не қисмат: мўйқаламим остидан чиққан ранг-тасвирлар деворга пала-партиш тираб қўйилган, айримлари пичоқ билан қиймаланган.

— Ажабланманг, музейдан олдирдик, — деди Фил жимликни бузиб. — У ерга ким борса буларингиздан озор еган. Инсофданми шу, ўртоқ Мусаввир!?

Недир совуқ нарса гўё тавонимдан елкамгача ўрмалади, тамом, дедим ичимда, буларни ёқиб кул қилишади, қайтиб на Сарбоз, на Шоир, на Файласуф, на Фаррош дийдори насиб этади. Руҳим етим қолади, жоним телбалик домига тушади. Ёруғ дунёдан армон билан сарсари ўтаман. Айб ўзимда, ҳовлиқдим, босар-тусаримни билмадим, аллақандай доғули бандалар аврашига учдим. Йўқса музей деганига бало бормиди?

(Давоми бор)

Боши ўтган сонда

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ижтимоий йўналишдаги махсус гимназия директори Абдусалом Умаровнинг падарибузруквори

АБДУВОҲИТЖОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ва туман халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси Ҳамза тумани халқ таълими бўлими мудири Ислом Зокировга отаси

ИСҲОҚ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0713.Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.